

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



Меҳнат бозоридаги вазият ва бандлик ҳолати ҳақида Вазирликнинг сайтида хабар қилинади

Президентнинг 24.05.2017 йилдаги ПҚ-3001-сон қарори билан Меҳнат органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Ҳужжат билан белгиланишича, Вазирлик ҳисобот ойдан кейинги ҳар ойнинг 10-санасига қадар ўзининг расмий сайтида ва марказий ОАВларда меҳнат бозоридаги вазият ва бандлик ҳолати тўғрисида маълумотларни, шу жумладан иш қидириб меҳнат органларига мурожаат қилган ҳамда ишсизлик бўйича нафақа олаётган фуқаролар сони, яратилган иш ўрин-

лари, рўйхатга олинган бўш (вакант) иш ўринлари ва иш берувчилар, инвесторлар ва аҳоли учун аҳамиятга эга бўлган бошқа маълумотларни чоп этади.

Ўзбекистон фуқаролари томонидан Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати талабларига биноан бандликка рухсат бериш ва кўникмаларни баҳолаш тизими бўйича ўтказиладиган тест синовларида қатнашиш учун тўланадиган маблағлар республика ҳудудда солиққа тортилмайди.

Шунингдек қарор билан қуйидагилар тасдиқланди:

➤ Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ташкилий тузилмаси тизими;

➤ Вазирликнинг марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг тузилмалари, шунингдек вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармаларининг ҳамда туман (шаҳар) бандликка қўмаклашиш марказларининг намунавий тузилмалари ҳамда улар ходимларининг чекланган сони;

➤ асосий таълим жараёнидан бўш вақтда Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кучи ҳаддан зиёд бўлган туманларида банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширадиган таянч касб-ҳунар коллежларининг рўйхати.

ГЭС қуриш учун хорижлик мутахассислар жалб этилади

Президентнинг 18.05.2017 йилдаги ПҚ-2972-сон қарори билан «Ўзбекгидроэнерго» АЖнинг ташкилий тузилмаси ва ижро аппарати тузилмаси маъқулланди, шунингдек унинг Кузатув кенгаши ташкил этилди.

Эслатиб ўтамиз, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ Президентнинг 18.05.2017 йилдаги ПФ-5044-сон Фармонида мувофиқ ташкил этилган.

Компанияга қуйидагиларга рухсат берилди:

➤ биргаликдаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда республикада ва хорижда, шу жумладан, хорижнинг етакчи инжиниринг, консалтинг ва қурилиш компаниялари билан ҳамкорликда консорциумлар ва ихтисослашган шуъба корхоналар ташкил этиш;

➤ янги ГЭСлар қуриш ва фаолият кўрсатаётганларини модернизация қилишда қатнашишга хорижлик мутахассисларни доимий ва вақтинчалик асосда

жалб этиш, уларнинг фаолиятига тўланадиган ҳақни шартнома асосида ЭАВда тўлаш.

«Ўзбекгидроэнерго» АЖга гидроэнергетика соҳасида идоравий бўйсунувидан қатъи назар, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунарга маълумотига эга малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлашда ҳамда уларни республикамизнинг олий таълим муассасаларида ва касб-ҳунар коллежларида тайёрлашни ташкил қилиш бўйича масъул орган вазифаси юкланди.

Инвестициялар – ер қаърини ўрганиш ва ўзлаштиришга

Вазирлар Маҳкамасининг 31.05.2017 йилдаги 328-сон қарори билан геологик ўрганилиши ва sanoatда ўзлаштирилиши учун хорижий инвестициялар жалб этиладиган қаттиқ фойдали қазилмалар стратегик жиҳатдан муҳим турларининг истиқболли майдонлари ва конлари рўйхатлари ва уларни танлаш мезонлари тасдиқланди.

Истиқболли майдонларни танлаш мезонларига қуйидагилар киради:

➤ тасдиқланган узоқ муддатли давлат дастурларида минерал-ҳом ашё базасини тиклаш ва ривожлантиришнинг мавжуд эмаслиги;

➤ жойлашган жойи – фойдали қазилмаларни прогнозлаштиришнинг қидирув аломатлари ва геологик замин мавжуд бўлган доирадаги ҳудудлар (қўриқланадиган табиат ҳудудлари, чегарага туташ зоналар, хавфли геологик жараёнлар юз берадиган ва шахарсозликни ривожлантириш зоналари бундан мустасно);

➤ майдон ўлчами – 1 500 кв.км дан ортқ бўлмаган;



➤ майдонни ўрганиш чуқурлиги – прогноз қилинган минераллашиш зоналари доирасида;

➤ истиқболлик майдон доирасида бошқа фойдали қазилмаларнинг топилиши – чекланмайди;

➤ ҳамроҳ компонентларнинг мавжудлиги (рудаларда) – чекланмаган.

Конларни танлашга оид қуйидаги мезонлар белгиланди:

➤ металлларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга доир тасдиқланган узоқ муддатли дастурларда, «Навоий КМК» ДК ва «Олмалиқ КМК» АЖнинг қазилмаларни қазиб олиш ишларини ривожлантиришнинг истиқболли режаларида мавжуд эмаслиги;

➤ жойлашган жойи – қўриқланадиган табиат ҳудудлари, чегарага туташ зоналар, хавфли геологик жараёнлар юз берадиган ва шахарсозликни ривожлантириш зоналаридан ташқарида;

➤ конларнинг жойлашув чуқурлиги – иқтисодий асосланган чегаралар доирасида;

➤ ҳамроҳ компонентларнинг мавжудлиги (рудаларда) – чекланмаган;

➤ атроф муҳитга таъсири – экологик ҳолат, шу жумладан ичимлик суви сифатининг кескин ёмонлашишига олиб келмаслиги ва бошқа техноген тусдаги фавқулодда вазиятларни келтириб чиқармаслиги.

Геологик ўрганилиши ва sanoatда ўзлаштирилиши учун хорижий инвестициялар жалб этиладиган қаттиқ фойдали қазилмалар стратегик жиҳатдан муҳим турларининг истиқболли майдонлари ва конлари рўйхатлари тегишли давр учун геология-разведка ишлари давомида янги геологик маълумотлар олинишини ҳисобга олган ҳолда, 5 йилгача бўлган даврийликда янгилаб борилади.

2-бетда



Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига – ягона танлов бўйича

Вазирлар Маҳкамасининг 31.05.2017 йилдаги 328-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги низомга (3.06.2014 йилдаги 141-сон ВМҚ билан тасдиқланган) тузатишлар киритилди.



Мудофаа вазирлиги томонидан вазирликнинг олий ҳарбий таълим муассасаларига (ОХТМ) номзодларни танлаш энди ягона танлов асосида, кириш тест синовлари натижалари бўйича тўпланган балларга мувофиқ амалга оширилади. Қўмондонлик тактик мото-ўқчи ва чегара бўлинмалари (чегара гуруҳлари) ва ҳарбий-ҳаво кучлари (авиация

турлари)нинг ҳарбий мутахассисликлари бундан мустасно.

Бунда кириш тест синовлари бир таълим муассасаси негизда ёки тегишли таълим муассасаларида алоҳида-алоҳида ўтказилиши мумкин.

Мудофаа вазирлигининг ОХТМда ўтказилган тест синовлари натижалари баллар пасайиши тартибида, таълим муассасалари бўйича ажратилмасдан битта қайдномада тақдим этилади.

Айрим ОХТМларнинг номлари ўзгартирилди. Уларнинг рўйхати қуйидагича кўринишга эгадир:

Идора	ОХТМ
Мудофаа вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти Муҳаммад ал Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети
Ички ишлар вазирлиги	Ички ишлар вазирлиги Академияси Ҳарбий-техника институти Ёнгин хавфсизлиги институти
Миллий хавфсизлик хизмати	Миллий хавфсизлик хизмати институти
Давлат божхона қўмитаси	Олий ҳарбий божхона институти

Олег Заманов, «Norma Online» эксперти.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 13 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари2936,76	1 Малайзия ринггити915,49
1 Англия фунт4979,70	1 Польша злотийси1044,70
1 Бразилия реал588,19	1 СДР5394,72
1 Дания кронаси1062,79	1 Туркия лираси1103,69
1 ЕАА дирҳами3903,19	1 Швейцария франки4029,73
1 АҚШ доллари217,45	1 ЕВРО4393,66
1 Миср фунти39,61	10 Япония кронаси34,70
1 Исландия кронаси2902,65	10 Жанубий Корея вонини354,00
1 Канада доллари574,26	1 Россия рубли68,47
1 Хитой юани149,41	1 Украина гривнаси149,41

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий асосда валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийлигини олмасин.

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Янги ҳужжатларни тақдим этишимиз
- Валюталар курси

1-2-бетлар

• ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

- Усулани сотаётганда техаспортни илова қилинг
- Ўтказиб беришнинг кечикиши қачондан ҳисобланади?

3-бет

• ЮРИДИК МАСЛАХАТЛАР

- Бошқа ишга ўтгайми ёки бўшайми?
- Меҳнатни муҳофаза қилиш: қим ҳавобгар бўлади?
- Танлаш эркинлиги
- Тамаки маҳсулотлари – махсус товар

4-бет

• РАСМИЙ ХЎЖАТЛАР

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари:
- «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»;

- «Ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотларнинг экспорт қилиниши ва рақобатдошлигини таъминлашни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»;
- «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида».

- Идораий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат
- ЎЗР МБ Бошқарувининг «Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

- Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2017 йил 13 майдан 26 майгача бўлган маълумот

5-6-бетлар

• ПЕНСИЯ ИШИ

- Шаҳар транспортда кўпроқ йўловчилар бепул юра опадилар

- Ҳар бир ой ҳисобга олинавормайди
- Стаж бўлмаганда
- Энг кам миқдордан оз
- Иккитасидан бири
- Фақат нақд шаклда
- Имтиёзлими ёки оддий?
- Директор учун шартнома
- Пенсиясиз учун эсатма
- Ишончлар учун пенсия
- Битта қўғоғга қамайди
- Шартнома бўлмаса, йилгами берилмайди
- Уруш қатнашчилари учун имтиёзлар
- Стаж таъсирини

- 7-10-бетлар

• НАСОНА МАСАЛАЛАРИ

- Ҳисобга олиниб, йўқ қилинади
- Паспорт тайёр бўлишини онлайн кузатиш мумкин
- Бундай қилишга ҳақли эмас
- Қизим билан – ватанимга
- Доимий яшаш учун – Ўзбекистонга
- Муддати ўтказиб юборилган паспорт учун жарима қамайтирилади

7-10-бетлар

• НАСОНА МАСАЛАЛАРИ

- Ҳисобга олиниб, йўқ қилинади
- Паспорт тайёр бўлишини онлайн кузатиш мумкин
- Бундай қилишга ҳақли эмас
- Қизим билан – ватанимга
- Доимий яшаш учун – Ўзбекистонга
- Муддати ўтказиб юборилган паспорт учун жарима қамайтирилади

7-10-бетлар

- Ишончнома асосида паспорт олма бўладими?
- Вазиятдан чиқиш йўли борми?
- Вақт пул демак

11-12-бетлар

• АВТОНОРМА

- Хизмат ишларига шахсий транспорт
- Ҳужжатлардаги тартиб
- Чет эллик ҳайдовчилар учун бошқариш ҳуқуқи
- Ўзимизнинг машиналар сўмга сотилади
- Поїтхатда йўловчи транспорт: келажакка назар
- Биронинг транспорт учун жавоб бермайди
- Энди стандартга мос келади

13-14-бетлар

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

- Агар ҳодим шуни хоҳласа
- Касалик варақаси учун стаж ҳисоби
- Сменали иш: нимадан бошлаш лозим
- Меҳнат стаж онлайн режимида ҳисобга олинади
- Қонунга қўра бўлимайди
- Қачон таътил ўрнига компенсация олиш мумкин

15-16-бетлар

Россия олий ўқув юртлари филиаллари 355 талабани ўқишга қабул қилади

Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2017 йилдаги 319-сон қарори билан И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкентдаги филиали ва М.В.Ломоносов номидаги МДУнинг Тошкентдаги филиалига 2017/2018 ўқув йилига қабул квоталари тасдиқланди.

Қабул квоталари қуйидагича белгиланди:

235 киши – И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиалига;

120 киши (100 бакалавр ва 20 магистр) – М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети филиалига.

И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали	
Йўналиш	Қабул квотаси (киши)
Геологик разведка технологияси	35
Нефть ва газ қудуқларини бургулаш	35
Нефть қазиб олиш объектларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш	35
Газ, газ конденсатини қазиб олиш объектлари ва ер ости омборларидан фойдаланиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш	35
Нефть, газ ва қайта ишлаш маҳсулотларини ташиш ва сақлаш объектларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш	35
Қувур транспорти тизимлари объектларини қуриш ва таъмирлаш	35
Корхона ва ташкилотлар иқтисодиёти	25

М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети филиали		
Йўналиш	Қабул квотаси (киши)	
	Бакалаврлар (жами/грантлар бўйича)	Магистрлар (жами/грантлар бўйича)
Амалий математика ва информатика	50 / 20	10 / 4
Психология	50 / 20	10 / 4

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига қўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб бериш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайлаштириш, тарқатишга «NORMA» gazetaları birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Ускунани сотаётганда техпаспортни илова қилинг

Ташкилотимиз электр техника ускунасини (туркум эмас, яъна тартибдаги буюртмалар бўйича, масалан, қуруқ қурилиш қорихмаларини ишлаб чиқарувчи ускуна) тайёрлашни режалаштирмоқда.

1. Ушбу фаолият тури лицензияланиши керакми?
2. Олди-сотди шартномасига кўра тайёрланган электр техника ускунаси келгусида сотилганда илова қилинувчи ҳужжатлар пакети рўйхатида нималар бўлиши керак (паспорт, сертификатлар ва ҳ.к.)?

К. Сайдалиев.

1 Йўқ, мазкур фаолият тури лицензияланмайди. Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатида (Олий Мажлисининг 12.05.2001 йилдаги 222-II-сон қарорига 1-илова) электр техника ускуналарини тайёрлаш (агар у қулоқроғ ва унинг ўқ-дори захиралари, химия воситалари, ҳарбий техника, эҳтиёт қисмлар, бутловчи элементлар ва уларнинг анжомларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаса) қайд этилмаган.

2 Агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотувчи сотиб олувчига ашёни бериш билан бир вақтда унга мансуб ашёни, шунингдек қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ашёга алоқадор ҳужжатлар (техник паспорт, сифат сертификати, фойдаланиш бўйича йўриқнома ва ҳоказолар) ни топшириши шарт (ФКнинг 388-моддаси 2-қисми). Хусусан, қонун ҳужжатларида назарда тутилганича, маҳсулотларни тайёрловчилар:

- агар мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлса, уни сертификатлаштиришга тақдим этишлари;
- уни сертификатлаш органлари берган сертификат мавжуд бўлган тақдирдагина реализация қилишлари;
- унинг норматив ҳужжатлар талабларига мос бўлишини таъминлашлари;
- илова қилинган техник ҳужжатда маҳсулот мувофиқ келиши лозим бўлган сертификатлаштириш тўғрисидаги маълумотларни ҳамда норматив ҳужжатларни кўрсатишлари;
- бу маълумотлар истеъмолчи (ҳаридор, буюртмачи) эътиборига етказилишини таъминлашлари шарт («Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддаси 1–3 ва 7-хатбошилари).

Норматив ҳужжатларсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга йўл қўйилмайди.

Яъни тайёрланаётган электр техника ускунаси Мажбурий тартибда сертификатланадиган, Ўзбекистон Республикаси

ҳудудиди ишлаб чиқариладиган ва унга олиб кириладиган маҳсулотлар турлари рўйхатида (ВМнинг 28.04.2011 йилдаги 122-сон қарорига 1-илова) кўрсатилган (ТИФ ТН коди бўйича) бўлса, уни сертификатлаштиришга тақдим этиш зарур. Бу ускуна мувофиқлик сертификати мавжуд бўлгандагина сотишга ҳақли бўласиз. Ҳужжатлар орасида сиз тасдиқлаган сертификат нусхаси бўлиши шарт. Агар ускуна кўрсатилган Рўйхатга кирмаса, уни ихтиёрий асосда сертификатлашга ҳақлисиз (Қонуннинг 17-моддаси).

Электр техника ускунасини қўллаш юқори хавф манбаи – электр энергияси билан алоқадор. Ундан фойдаланаётганда инсонлар ҳаёти, соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига, атроф муҳитга зарар етказиш хавфи юзага келади. Шу сабабли етказиб берувчи ҳаридорга ундан фойдаланишга доир ҳужжатни топшириши зарур. У қандай номланиши (техпаспорт, йўриқнома ёки қўлланма) муҳим эмас.

Норматив ҳужжатларсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга йўл қўйилмайди. Мамлакатимизда стандартлаштиришга доир қўйидаги тоифадаги норматив ҳужжатлар қўлланилади: халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар; ЎзРнинг давлат стандартлари; ташкилотнинг стандартлари; хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари («Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси 1 ва 6-қисмлари).

Сиз «Ўзстандарт» агентлигидан контрагентларнинг буюртмаларига кўра

тайёрлашингиз мумкин бўлган электр техника ускунаси турларига доир норматив ҳужжатлар мавжудлиги (йўқлиги) ҳақидаги ахборотни сўрашга ҳақлисиз («Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси 3-қисми). Ташкилотингиз юқоридаги Агентликда экспертиза қилиниши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўлган унга доир норматив ҳужжатни ишлаб чиқишга ўзи буюртма бериши ёки уни ишлаб чиқиши мумкин (АВ томонидан 11.11.2004 йилда 1422-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 5, 32 ва 48-бандлари).

Одатда, норматив ҳужжатларда товарнинг сифатини текширишга нисбатан мажбурий талаблар белгиланади. Агар улар назарда тутилган бўлмаса, товарнинг сифати иш муомаласи одатларига ёки олди-сотди шартномаси бўйича топширилиши лозим бўлган товарни текширишнинг одатда қўлланиладиган бошқа шартларига мувофиқ текширилиши лозим (ФКнинг 407-моддаси). Демак, фикримизча, сотувчи ҳаридорнинг талабига кўра унга товарнинг сифати текширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (сиров, таҳлил, қўриқдан ўтказганлик далолатномаси ва ҳ.к.) тақдим этиши кераклиги аён бўлади.

Санаб ўтилган ҳужжатлар билан бир қаторда, сотилаётган ускуна билан бирга ҳаридорга топшириладиган ҳужжатлар пакетида **ҳисобварақ-фактура ҳам бўлиши керак** (Солиқ кодексининг 222-моддаси 3-қисми).

Ҳаридорга бир вақтнинг ўзида топширилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ёки унинг маъносидан келиб чиқмайдиган бошқа ҳужжатларга келсак, уларни тарафлар шартноманинг ўзиде кўрсатишлари мумкин (масалан, ишлаб чиқарувчи давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ишлаб чиқарувчи-етказиб берувчининг кафолат мажбуриятлари).

Мавзуга қайтиб

Етказиб беришнинг кечикиши қачондан ҳисобланади?

«Норма маслаҳатчи» газетасининг 25.04.2017 йилдаги 17 (614)-сониде «Етказиб бериш кечиктирилгани учун пеня» сарлавҳали материалда маҳсулот етказиб бериш муддатидан эртаси куни бажарилган мажбурият учун 1 кунга пеня ҳисобланиши юзасидан тушунтириш берилган. Масалан, маҳсулот етказиб беришнинг охириги муддати этиб 2017 йил 16 март куни белгиланган бўлса-ю, лекин маҳсулот 17 мартда етказиб берилса, кечиктирилган 1 кун учун пеня ҳисобланади дейилган. ФКнинг 261-моддаси 3-қисмида «Қарздор мажбуриятларининг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҲАЯ БИР КУНИ учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка пеня ҳисобланади» деб белгиланган. Юқоридеги ҳолатда маҳсулот етказиб бериш муддати 2017 йил 16 март деб белгиланган, лекин у, айтилиши, 17 март куни соат 12.00 да ёки 15.00 да ва ҳ.к. соатда етказиб берилган ва бу билан кечикиш 12 ёки 15 ёҳуд ҳ.к. соатга юзага келган ҳисобланади, шундайми?

261-моддада эса «ўтказиб юборилган муддатнинг ҲАЯ БИР КУНИ» учун дейилмоқда. Демак «БИР КУН» ўтиши учун маҳсулот келишилган куннинг эртасига 24 соатдан ортқ кечикиши керак. Бизнинг фикримизча, маҳсулот белгиланган муддатнинг эртаси куни етказиб берилса, 24 соатдан ортқ бўлмаганлиги, яъни «БИР КУН» ўтмаганлиги учун пеня ҳисобланишини нотўғри деб ҳисоблаймиз.

А.Ибрагимов.

– Маҳсулот етказиб бериш муддатининг (тарафлар томонидан белгиланган санадан) эртаси куни етказиб берилган маҳсулот суммасига пеня ҳисобланади. Бунда эртанги куннинг маҳсулот етказиб берилган соати аҳамиятга эга эмас.

Амалиётда мажбурият аниқ сана билан тайинланган кунда унинг бажарилишини (ФКнинг 145-моддаси 1-қисми) назарда тутиш ҳоллари ҳам учраб туради. Айтилиши, товарни етказиб бериш юзасидан мажбурият товарни муайян кунда (у аниқ белгиланмоғи керак, масалан, сиз ёзганингиздек, «2017 йил 16 март») етказиб бериши назарда тутати.

Бажарилиши учун муайян кун (сана) белгиланган ҳаракат айнан шу кун соат 24.00 гача бажарилиши керак (ФКнинг 148-моддаси 1-қисми).

Ҳаракат иш куни муайян соат билан чегараланган ташкилотда бажарилган ҳоллар учун мазкур қоидадан истисно назарда тутилган (ФКнинг 148-моддаси 2-қисми). Масалан, сотиб олувчи бўлмиш ташкилот ҳар куни 09.00 дан 18.00 гача ишлайди. Маҳсулотни етказиб бериш (албатта, агар уни олиб бориб бериш мажбурияти шартнома билан етказиб берувчи зиммасига юклатилган бўлса) ушбу ҳаракатни бажариш куни (сизнинг ҳолатингизда жорий йилнинг 16 марти) 18.00 дан кечиктирмай амалга оширилиши шарт.

ФҚда бир кунлик муддат кечиктириб юборилганлиги ҳақида ҳулоса қилиш учун қанча вақт (1, 2, 3, 4 ёки 24 соат) ўтиши кераклиги кўрсатилмаган. Лекин муҳими шуки, бажарилиши учун муайян кун белгиланган мажбурият айнан шу кун мобайнида,

бироқ ундан кечиктирмай (албатта, ҳаридор бўлмиш хўжалик юритувчи субъектнинг иш вақти режимини ҳисобга олган ҳолда) бажарилиши шарт. Шу боис, ФКнинг мазмунига кўра, маҳсулотни етказиб бериш учун аниқ белгиланган кун тугашидан кейинги 24 соат мобайнида бўлган ҳар қандай вақт (масалан, соат 12.00 ёки 15.00 ларда) етказиб бериш муддатининг кечиктириб юборилган бир (биринчи) кунлигини ташкил қилади.

Шундай қилиб, агар шартнома тегишли мажбуриятни бажариш кунини назарда тутса, юқориде қайд этганимиздек, ушбу мажбурият айнан шу куннинг ўзиде кечикиш лозим. Сиз келтирган ҳолатда маҳсулот етказиб беришнинг куни 2017 йил 16 мартга белгиланган бўлганлиги учун ушбу мажбурият ҳаридорнинг иш вақти режими ҳисобга олинган ҳолда айнан шу кунда (яъни ундан кейинги кунлардан бирида эмас) бажарилиши лозим эди. Шартнома билан белгиланган муддат тарзидеги сана ўтиб кетгандан кейин бажарилган мажбурият «лозим даражада бажарилмаган» деб эътироф этилади. Шу боис маҳсулотни етказиш куни – 2017 йил 17 март – етказиб бериш муддатини кечиктириш даврига киради. Кечиктириб юборилган давр учун (хатто 1 кун бўлса-да) пеня ҳисобланиши шарт.

Шу ўринда хўжалик амалиётда кунлар билан ҳисобланадиган муддат юзасидан вужудга келаётган низоли саволларнинг олдини олиш мақсадида ФҚга тегишли қўшимчалар киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бошқа ишга ўтайми ёки бўшайми?

Ташкилот трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш билан шугулланади. Трикотаж полотнолар ишлаб чиқариш учун технология ва меҳнатни ташкил этишни ўзгартириш режалаштирилмоқда. Ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда штатдаги ходимлар сонини қисқартириш мўлжалланган. Шунингдек ташкилот ҳудудидан ижара асосида трикотаж буюмлар ишлаб чиқарувчи бошқа ташкилот ишлайди. Иккала ташкилот раҳбарлари олдиндан аҳдлашиб олиб, бир ташкилотдаги бўшаётган ишчиларни меҳнат шартлари ва тўланадиган ҳақни ўзгартирмасдан бошқасига ўтказишга ҳақлими? Агар мумкин бўлса, қандай асосларга кўра?

П.И.

— Йўқ, ҳақли эмас.

МКнинг 92-моддаси маъносидан келиб чиқишича, бошқа доимий ишга ўтказиш (битта лавозимдан ёки корхонадаги бўлинмадан бошқасига) ходим штатда бўлган корхона доирасида амалга оширилади.

Ходимлар янги ишга (бошқа таш-

килотга) қабул қилингунга қадар МКнинг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига мувофиқ (ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги ўзгаришлар муносабати билан) улар билан меҳнат шартномаларини бекор қилиш зарур.

Бунда иш берувчи ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш

нияти ҳақида уларни камида 2 ой олдин ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириши шарт.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан огоҳлантириш унинг муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин (МКнинг 102-моддаси 1-қисми 1-банди, 2-қисми).

МКнинг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда иш берувчи ходимга қуйидагиларни тўлайди:

➤ меҳнат шартномаси бекор қилинган кунни ҳам қўшган ҳолда ишланган барча кунлар учун иш ҳақи (МКнинг 110-моддаси);

➤ фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллار учун пуллик компенсация (МКнинг 151-моддаси);



➤ тарафларнинг келишувига биноан огоҳлантириш муддати ўрнига 2 ой учун пуллик компенсация (МКнинг 102-моддаси 2-қисми);

➤ ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси (МКнинг 109-моддаси);

➤ ходимга меҳнат вазифаларини бажарганлиги муносабати билан унга тўланиши лозим бўлган бошқа тўловлар.

Жамолиддин Ваққосов,
«Norma Online» эксперти.

Қандай шароитда айни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандисда жиноий жавобгарлик юзага келади?

А.Умаров.

Меҳнатни муҳофаза қилиш: ким жавобгар бўлади?

— ЖКнинг 257-«Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш» моддасига мувофиқ техника хавфсизлиги, sanoat санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларига риоя этилиши учун масъул бўлган шахслар жазоланиши мумкин.

Биринчидан, бундай вазиятларда нафақат корхонанинг мансабдор шахслари (жароҳатланган ходимнинг бевосита раҳбари ва директор), балки бошқа ходимлари ҳам жавобгарликка тортилади.

Иккинчидан, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари кенг доирадаги шахсларнинг турфа хил мажбуриятларини ўз ичига олиши мумкин. Шу сабабли қонун чиқарувчи аниқ қоидага риоя этиш учун масъул бўлган, унинг бузилиши ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилишига, одам ўлишига ёхуд бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган шахсни жазолаш зарурлигини кўрсатади.

Учинчидан, қоидаларга риоя этиш учун жавобгарлик аниқ шахс зиммасига икки хил йўл билан юкланади:

➤ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини асосида («Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва ҳ.к.);

➤ агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зид келмаса, ташкилотнинг ички ҳужжатлари (масалан, корхонанинг меҳнатни муҳофаза қилишга доир йўриқномалари) билан.

Хулоса: норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёхуд ташкилотнинг ички ҳужжатлари билан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандис (мутахассис) зиммасига меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича аниқ мажбуриятлар юкланган, унинг бузилиши ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилишига, одам ўлишига ёхуд бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлсагина, у жиноий жавобгарликка тортилади. Бундай қоидабузарликлар ЭКИХнинг 25 бараваридан 50 бараваригача миқдорда жарима ёки 5 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Самир Латипов,
«Norma Online» эксперти.

Танлаш эркинлиги

Корхона ходимлари билан касаба уюшмаси тасдиқлаган жамоа шартномасини тузди.

Агар корхонада жамоа шартномаси амал қилса, касаба уюшмасига ажратмалар тўлаш мажбурийми ёки ихтиёрийми?

М.Саидхмедова.

— Жамоа шартномаси касаба уюшмасига аъзолик бадалларини тўлаш мажбуриятини юкловчи ҳужжат ҳисобланмайди. Фуқаролар бирлашмасининг шакли сифатида касаба уюшмаси, унинг тузилмаси ва уни бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари шахсий ташаббусга, ихтиёрий хоҳишга ва, бинобарин, бундай

бирлашмада ихтиёрий аъзоликка асосланган бўлиши керак (Конституциянинг 56, 59-моддалари).

Касаба уюшмасига аъзоликка қабул қилиш ва ундан чиқариш касаба уюшмаси гуруҳи, цех, бошланғич ташкилот йиғилишида аъзо бўлувчининг шахсий аризасига биноан амалга оширилади (Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Уставининг 3.1-банди).

«Ихтиёрий» тушунчаси мажбуран эмас, балки ўз ихтиёрига кўра амалга ошириладиган ёки амал қиладиган ҳаракат дея талқин қилинади.

Абдусалом Рисқуллаев,
«Norma Online» етакчи эксперти.

Тамаки маҳсулотлари — махсус товар

Якка тартибдаги тадбиркор ёки кичик корхона (фаолият соҳаси — чакана савдо) келгусида қайта сотиш учун корпоратив пластик картадан тамаки маҳсулотларини сотиб олишга ҳақлими?

В.Қаюмова.

— Марказий банк бошқарувининг қарори (AB томонидан 19.04.2017 йилда 1850-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритилди. Уларда, хусусан, белгиланишича, якка тартибдаги тадбиркор банк карталаридан ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш фаолияти билан боғлиқ бўлган, **шунингдек бошқа ҳар қандай харажатлар** учун тўловларни амалга ошириши мумкин.

Бироқ тамаки маҳсулотларини фақат юридик шахслар реализация қилишлари мумкин («Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси). Тегишинча,

якка тартибдаги тадбиркор қайта сотиш учун тамаки маҳсулотларини сотиб олишга ҳақли эмас.

Кичик корхоналарга келсак, улар маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркибига киритилган харажатларни тўлаш учунгина корпоратив банк карталаридан (КБК) фойдаланишга ҳақли (ВМнинг 5.02.1999 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Низом; AB томонидан 18.04.2005 йилда 1470-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 6-банди).

Бошқача айтганда, фақат маҳсулот ишлаб чиқариш ва келгусида реализация қилиш (хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар сотиб олиш, транспорт ва савдо харажатлари ва б.) жараёнида фойдаланиладиган товарлар ёки хизматлар учун КБК бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш мумкин.



Шу сабабли кичик корхоналар учун қайта сотиш мақсадида сотиб олинadиган тайёр маҳсулот учун КБК бўйича ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуққа зид.

Фикримизча, тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида кичик корхоналар учун ҳам ушбу эскирган чекловни бекор қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. У давлат томонидан кафолатланган тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўз пул маблағларини мустақил равишда ва тўсиқсиз тасарруф этиш ҳуқуқига мувофиқ келмайди («Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддаси).

Маҳкам Воҳидов,
юридик фанлар номзоди,
«Norma Online» эксперти.



РАСМИЙ ХУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ:

- «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»;
- «Ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотларнинг экспорт қилиниши ва рақобатдошлигини таъминлашни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»;
- «Ерларни муҳофаза қилиш ва улاردан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида».

• ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТ:

- ЎзР МБ Бошқарувининг «Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

• МЕЪЁРИЙ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2017 ЙИЛ 13 МАЙДАН 26 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙРИМ ФАРМОНЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 15.05.2017 йилдаги 19 (779)-сон, 332-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармонида мувофиқ ва туризм соҳасида бизнесни қўриштириш учун қўлай шарт-шароитларни шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иловага мувофиқ айрим фармонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Вазирликлар ва идорапарлар ўзлари қабул қилган норматив-

ҳуқуқий ҳужжатларини бир ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.*

*Тошкент ш.,
2017 йил 4 май
ПФ-5033-сон.*

*ЎзР Президентининг 2017 йил 4 майдига
ПФ-5033-сон Фармонида
ИЛОВА*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙРИМ ФАРМОНЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармонида:

а) 1-банддаги «маҳсулотларни ишлаб чиқаришга» сўзидан кейин «(хизматлар кўрсатишга)» сўзлари қўшилсин;

б) иловага қўйиладиган мазмундаги 21-банд қўшилсин:

«21. Туризм (имтиёзлар 2017 йил 1 июндан бошлаб қўлла-нилади):

меҳмонхона хизматлари;
туристик хизматлар.»

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон Фармонининг 12-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«12. Юридик шахслар:

белгиланган тартибда сертификатланган камида 4 юлдузли

даражадаги меҳмонхона ва мотелларни фойдаланишга топширилган санасидан бошлаб улар юридик шахсларнинг фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғи, шунингдек юридик шахсларнинг ягона солиқ тўлови;

белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, меҳмонхона ва мотеллар қуриш ва қайта таъмирлаш учун олиб келинадиган асбоб-ускуналар, техникалар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ва материаллар учун божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно) тўлашдан 5 йил муддатга озод қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, туризм фаолияти субъектлари томонидан туристларни ташиш учун мўлжалланган, сигими 9 кишидан ортиқ бўлган янги автотранспорт воситалари сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига йиғим транспорт воситалари сотиб олиш қийматининг 3 фоизи миқдориди ундирилади.»

Ўзбекистон Республикаси
қонунчилиги

www.norma.uz

ТАШҚИ БОЗОРЛАРДА МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ЭКСПОРТ ҚИЛИНИШИ ВА РАҚОБАТДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 5.06.2017 йилдаги 22 (782)-сон, 412-модда)

Республикаимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтиришни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш корхоналари томонидан, энг аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ўзлари ишлаб чиқарган товарларнинг экспорт ҳажмини ошириш, экспорт қилиш географиясини диверсификациялаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ташқи бозорларда маҳаллий экспортга етказиб беришчи ташкилотларнинг маҳсулотларини рақобатдошлигини ошириш мақсадида:

1. Ҳўжалик субъектларига 2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

а) ўзлари ишлаб чиқарган товарларни экспорт қилиш, янги мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз экинларидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-1871-сонли Фармонининг 2-илловасида кўрсатилган ҳам ашё товарларидан ташқари, чет эл валютасида олдиндан тўловсиз, аккредитив очмасдан, банк кафолатини расмийлаштирмасдан ҳамда экспорт шартномаларини сиёсий ва тижорат ҳавфларидан сўғурта полисисиз амалга ошириш, бунда қуйидаги шартларга риоя қилинсин:

шартнома миқдори 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаслиги керак;

товарлар экспорт қилинган кундан бошлаб, 90 кун ичида мажбурий валюта тушумининг келиб тушиши таъминланиши лозим;

белгилансинки, ўзлари ишлаб чиқарган товарларнинг кейинги экспорти мажбурий қўшимча банднинг шартларига мувофиқ

экспортчи ташкилотнинг мажбурий қўшимча бандда кўрсатилган шартларда аввалги дебиторлик қарзи бўлмаган тақдирда амалга оширилади;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-1871-сонли Фармонининг 4-илловасида назарда тутилган буюм ва маҳсулотлар экспортини амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида берилладиган лицензиялар бўйича амалга ошириладиган экспорт-импортнинг ўзига хос маҳсулотлари рўйхатидан заргарлик буюмлари чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига иловага^{*} мувофиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Мажбурий Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.*

Тошкент ш.,
2017 йил 25 май
ПФ-5057-сон.

^{*}Илова берилмайдۇ. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТда ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ФАРМОНИ

ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ БОРАСИДА НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРИШ, ГЕОДЕЗИЯ ВА КАРТОГРАФИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ ЮРИТИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Кўчирма*)

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 5.06.2017 йилдаги 22 (782)-сон, 415-модда)

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

ер ресурсларидан оқилон фойдаланиш, геодезия ва картография соҳаси фаолияти бўйича ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш;

ердан оқилон фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича тизимли давлат назоратини, давлат геодезия назоратини қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан уни бузганлик учун айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш орқали амалга ошириш;

ер ресурсларидан оқилон фойдаланиш, ерларни сақлаш ва муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, геодезия ва картография фаолияти самардорлигини кучайтириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат ер кадастрини, давлат картография-геодезия кадастрини, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини, ҳудудлар давлат кадастрини, шунингдек, Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш;

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

учувчисиз аппаратлардан фойдаланган ҳолда қишлоқ ҳўжалиги ерларини, қишлоқ ҳўжалиги экинларини экиш ва парваришлашнинг мониторинг қилиш, геодезия маълумотлари ва картография материалларидан фойдаланган ҳолда суْنўйй йўлдош навигация тизими ишлатилиш таъминлаш;

азроқосимик суратга олиш, топография-геодезия, картография, тупроқшунослик, геоботаникага оид ва бошқа изланишлар ҳамда тадқиқотларни, ерларни массофадан зондлаш, геодинamik тадқи-

қотлар маълумотлари ва материалларидан фойдаланган ҳолда, картографик мониторингни амалга ошириш;

кўчмас мулк объектларининг электрон маълумотлар базасини, кўчмас мулк баҳосини бозор қийматида баҳолашга босқичма-босқич ўтиш учун давлат кадастрлари геоахборот тизимларини яратиш ва доимий равишда янгиллаб бориш;

соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шу жумладан, давлат хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида фуқароларга ҳамда тадбиркорлик субъектларига тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатиш;

ер тузиш, геодезия, картография ва давлат кадастри соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро грантларни жалб этиш;

ер тузиш, геодезия, картография ва давлат кадастрлари бўйича тизимли равишда кадрларни қайта тайёрлаш, малакасини оширишни таъминлаш.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Ер муносабатлари ва давлат кадастрларини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

5. Куйдагилар Жамғарма маблағларининг асосий манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари томонидан ерлардан ҳўжасизларча фойдаланганлиги ёки уларни яроқсиз ҳолга туширилганлиги, ҳўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчилик билан четга чиқрилганлиги, давлат ер кадастрини юритиш қоидалари бузилганлиги, чегара ва чеклов белгилари-

нинг йўқ қилинганлиги ёки шикастланганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ солиннадиган жарималарнинг 100 фоизи;

фуқароларнинг уй-жойга доир мулк ҳўқуқини кўчмас мулкка бўлган ҳўқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирилмаганлиги учун ундириладиган жарималарнинг 10 фоизи;

кадастр ҳўжатларини техник хатловдан ўтказиш ва расмийлаштириш бўйича давлат хизматларига белгиланган нархларни 25 фоиз ошириш ҳисобига тушадиган маблағларнинг (солиқлар ҳисоблангандан кейин) 100 фоизи;

қўнун ҳўжатларидан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширишни назарда tutуvчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 15 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида»ги ПФ-3502-сон Фармонининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб, ҳисоблансин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2017 йил 31 май
ПФ-5065-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР ТОМОНИДАН МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ
БАНК КАРТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА
ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2017 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1850-2

(«Ўзбекистон Республикаси қўнун ҳўжатлари тўплами», 24.04.2017 йилдаги 16 (776)-сон, 279-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қўнун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хўсўсий мулкни ҳар томонлама ҳўмос қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 19 июлдаги 16/2-сон қарори (рўйхат рақами 1850, 2008

йил 4 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қўнун ҳўжатлари тўплами, 2008 й., 35-36-сон, 359-модда) билан тасдиқланган Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида низоmга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кўчга қиради.

Марказий банк раиси в. в. б.
С.ХОДЖАЕВ.

Тошкент ш.,
2017 йил 18 март
6/5-сон.

ЎзР МБ Бошқарувининг 2017 йил 18 мартдаги 6/5-сон қарорига
ИЛОВА

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР ТОМОНИДАН
МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ БАНК КАРТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 1-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Якка тартибдаги тадбиркор банк картасининг сақловчиси – эмитент билан шартнома асосида банк картасидан фойдаланувчи якка тартибдаги тадбиркор»;

2. 6-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«б. Якка тартибдаги тадбиркор банк карталаридан ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш фаолияти билан боғлиқ бўлган, шунингдек бошқа ҳар қандай харажатлар

учун тўловларни амалга ошириши мумкин».

3. 8-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. 9-банд қўйидаги тахрирдан баён этилсин:

«9. Яқка тартибдаги тadbirkor банк карталаридан ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш фаолияти билан боғлиқ бўлган, шунингдек бошқа ҳар қандай харажатлар учун тўловларни амалга оширганда тегишли тўловни терминал

орқали қабул қилган хизматчининг имзоси ва «тўланди» муҳри қўйилган счётлар, қитанциялар, банкомат, инфокиоск ва терминал қитанциялари (слип, терминалнинг электрон ҳужжати) ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳужжатлар ҳисобот ҳужжатлари бўлиб хизмат қилади».

5. Мазкур ўзгартаришлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон банклари ассоциацияси билан келишилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIA VAZIRLIGI VAZIRLIKLAR, DAVLAT QUMITALARI VA IDORALARNING NORMATIV-HUQUQIY HUJжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2017 йил 13 майдан 26 майгача Бўлган маълумотни маълум қилади

I. DAVLAT RUYKHATIDAN OTKAZILDI:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 8 апрелдаги 7-А/4-сон «GlobUzCard» банклараро универсал чакана тўлов тизими фаолияти тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақидаги қарори.

2017 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2884.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 14 апрелдаги 15, 125, 2017/10-3, 2017-09, 01-02/8-8-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозиқ-оват истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга иктисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақидаги қарори.

2017 йил 16 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2885.

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 16 майдига 01/27-26/06-сон «Ўзбекистон Республикаси Мулки баҳолаш миллий стандарти (8-сон МБМС) «Хусусийлаштириш мақсадида мулк қийматини баҳолашга ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қарори.

2017 йил 19 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2025-2 (2017 йил 1 июлдан кучга киради).

4. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 16 майдига 01/27-26/07-сон «Ўзбекистон Республикаси Мулки баҳолаш миллий стандарти (9-сон МБМС) «Бизнес қийматини баҳолашга ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қарори.

2017 йил 19 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2026-2 (2017 йил 1 июлдан кучга киради).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 17 апрелдаги 343-В, 14-сон «Тижорат банкларидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга

ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 23 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 24 апрелдаги 43, 2017-17-сон «Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 23 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2185-1.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 16 майдига 48, 2017-20-сон «Пишган гишт ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан солиқ имтиёзлари ва преференцияларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартаришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топил ҳақидаги қарори.

2017 йил 23 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1985-2.

8. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2017 йил 3 майдига 10-Қ/Қ, 34/ҚҚ-сон «Ижодкор ёшлар республика танловларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 26 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2887.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2017 йил 3 майдига 9-Қ/Қ, 28, 33/ҚҚ-сон «Ижодкор ёшлар республика танловларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топил тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 26 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2705-1.

II. DAVLAT REESTRIDAN CHIKARILDI:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг «Тижорат банкларидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2528, 2017 йил 21 ноябр).

Адлия вазирлигининг 2017 йил 23 майдига 102-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Пишган гишт ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан солиқ имтиёзлари ва преференцияларни қўллаш тартиби тўғрисида»ги қарори.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартариш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзуйий сон*

Пенсионер сафарга йўл олди, бироқ узоқ вақт бўлмаганида пенсиясини ким олишини билмайди. Пенсия учун эслатмани ўқисангиз, бу саволга жавоб топасиз.

Ўқувчилар пенсия энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин-мумкин эмаслигини ҳам билиб оладилар. Ишловчи пенсионерларга пенсияни карточкада тўлаш мумкинми? Шу ва бошқа саволларга ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппарати мутахассиси жавоб беради.

Агар экспертларга саволингиз бўлса, уларни **norma.uz** сайтидаги «Жавоб берамиз» сервисига ёки газетамизнинг **gazeta@norma.uz** ва **ntv@norma.uz** электрон манзилларига йўлланг.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси

Шаҳар транспортида кўпроқ йўловчилар бепул юра оладилар

ҚХТБТ порталида «Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунга тузатишлар лойиҳаси жойлаштирилган.

Айни пайтда мамлакатимизда яшовчи, ядро полигонларида ва бошқа ядровий-радиация объектларида ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларнинг умумий сони 254 кишини ташкил этади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маълумотларига кўра, улардан 103 киши (42 нафари шаҳарларда яшайди) – ёшга доир ва (ёки) ногиронлик бўйича пенсионерлардир, деб хабар қилинади қонун лойиҳасига тушунтириш хатида.

Бундан ташқари, Президентнинг 30.05.2002 йилдаги ПФ-3079-сон Фармони билан фуқароларнинг ушбу тоифасига имтиёзлар, шу жумладан истиқомат жо-

йида маъмурий туман доирасидаги қишлоқ жойларда жамоат фойдаланадиган автомобиль транспортида (такси бундан мустасно), шунингдек шаҳар атрофида қатновчи темир йўл транспортида ва шаҳар атрофи йўналишларидаги автобусларда бепул юриш имтиёзи тақдим этилган.

Шу муносабат билан ядро полигонларида ва бошқа ядровий-радиация объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар жумласига кирувчи ногиронларни Қонун билан тасдиқланган имтиёзга эга фуқаролар рўйхатида киришти таклиф этилди.

Маълумот учун!

ПЕНСИЯЛАРГА солиқ СОЛИНМАЙДИ.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ахборот кўмағида тайёрланди.

БУГУНГИ СОНДА:

ҲАР БИР ОЙ
ҲИСОБГА
ОЛИНАВЕРМАЙДИ

Талабалик
йиллари –
пенсия ҳисобига

2

ИМТИЁЗЛИМИ ЁКИ
ОДДИЙ?

Ёшга доир пенсия
тайинлаш

4

ДИРЕКТОР УЧУН
ШАРТНОМА

Фойдасиз мансаб

5

ПЕНСИОНЕР УЧУН
ЭСЛАТМА

Сафарга чиқиш
олдидан

6

Мавзуйий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Шуни эслатиб ўтамизки, Қонунга мувофиқ шахар йўловчилар транспортидан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқи фақат:

- 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари жумласидан бўлмиш ҳарбий хизматчилар;
- 1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва урушнинг 1 гуруҳ ногиронига ҳамроҳлик қилувчи шахс;
- 1941–1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва беникусон ҳарбий хизмати учун ордон ва медаллар билан тақдирланган шахслар;
- Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидagi жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналмилалчи жангчилар жумласидан бўлмиш фуқаролар;

- ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва контракт бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидagi ҳарбий хизматчилар;
- Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошдан кечирган шахслар;
- кўзи оғир ногиронлар ва кўзи оғир ногиронга ҳамроҳлик қилувчи шахс.

Лойиҳа 2017 йил 30 июнгача муҳокама қилинади, унга ўзгартириш, қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Олег Заманов, «Norma Online» эксперти.

Расмий жавоб

Ҳар бир ой ҳисобга олинавермайди

? 70-йилларда олий ўқув юртининг кундузги бўлимини тугатган ҳамкасбим пенсияни расмийлаштирипти. Йиллар сони яхлит бўлиши учун унга 1 ой етмаяпти. Илгари олий ўқув юртининг кундузги бўлимида ўқиган вақт учун «муддат» – 4 йилу 10 ой беришарди. Шунингдек 1 ойлик таътил берилар, у тугаганда ишга тушишимиз керак бўларди. Ишга киргач, корхона раҳбарига йўл пули беришни сўраб мурожаат қилардик. Уларни ойлик маош миқдорида тўлар, амалда дипломдан кейинги таътил пулини тўлаган бўлишарди. Дипломдан кейинги бир ойлик таътил пенсия тайинлаш учун стажга қўшиб ҳисобланадими?

Л.Г. Тошкент ш.

– Олий таълим муассасаларида (шу жумладан, уларда ўқиш ҳарбий хизматга тенглаштирилаётган ҳарбий-таълим муассасаларида), аспирантурада (стажёрлар-тадқиқотчилар-изланувчилар институтда), докторантурада (катта илмий ходимлар-изланувчилар институтда) ва клиник ординатурада кундузги ўқиш вақти дипломлар, шунингдек маълумотномалар ва архив маълумотлари асосида берилган ва ўқиш давлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Ҳужжатларда бундай маълумотлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ўқиш даврининг исботи сифатида, ҳужжатларда тў-

лиқ ўқув йилини тамомлаганликка кўрсатма мавжуд бўлиши шарти билан, тегишли йилларда мазкур таълим муассасасида ўқиш даври давомийлиги тўғрисидаги маълумотномалар тақдим қилинади (Низомнинг 63-банди, ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова). Амалиётда Пенсия жамғармаси бўлимлари талабалар сафидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинадиган санагача ўқув йилининг босидан бошланган даврни иш стажига киритадилар.

Баён этилганлардан келиб чиқишича, олий таълим муассасаларида тўлиқ ўқув йили ўқиш даври иш стажига киритилади. Тегишинча, ўқишдан кейинги таътил оий стажга қўшиб ҳисобланмайди.

Стаж бўлмаганда

? Холам 55 ёшга тўлди, бироқ пенсия олиш учун мурожаат қилганида стажи камлиги сабабли рад жавоби бердилар. Пенсия жамғармаси ходимлари ҳаққимилар?

Екатерина Н. Чирчиқ ш.

– Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эркаклар – 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда; аёллар – 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси, бундан кейин – Қонун).

Сизнинг ҳолатда ҳатто зарурий энг кам (камида 7 йил) стаж бўлмаса керак (Қонуннинг 8-моддаси). Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсия эса бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади (Қонуннинг 29-моддаси). Бироқ бунинг учун Қонун 37-моддаси 1-қисмининг «а», «б», «в» ва «г» бандларида назарда тутилган камида

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

7 йил иш стажы – фаолият тури, мулк ва ҳўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, башарти бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаган бўлса, ходим давлат томонидан ижтимоий сугурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш мавжуд бўлиши зарур.

Қонуннинг 37-моддаси 1-қисмининг «а», «б», «в» ва «г»

бандларида назарда тутилган 7 йилдан кам иш стажы мавжуд бўлиб, ёшга доир пенсия тайинлаш учун етарли иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсия тайинланади. Мазкур пенсия аёлларга – 60 ёшга етганларида, эркакларга – 65 ёшга етганларида тайинланади (Низом, ВМнинг 7.04.2011 йилдаги 107-сон қарорига 2-илова).

Энг кам миқдордан оз



Пенсия миқдори (иш стажы тўлиқ бўлмаганда) ёшга доир энг кам пенсиядан оз бўлиши мумкинми?

Ақчурин. Тошкент ш.

– Зарур иш стажы Қонуннинг 7-моддасида белгиланган, унга мувофиқ, эркаклар 25 йил иш стажига, аёллар 20 йил иш стажига эга бўлишлари зарур.

Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ, иш стажы тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсия бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади, бироқ:

➤ ёшга доир пенсиялар, II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари ва оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун – ёшга доир энг кам пенсиянинг 50%идан;

➤ I гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари ва ҳам отаси, ҳам онасидан жудо бўлган (чин етим) ҳар бир болага боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун – ёшга доир энг кам пенсиянинг 100%идан кам бўлмаслиги лозим.

Тўлиқ бўлмаган иш стажы ҳолатида пенсия қуйдаги тарзда мавжуд стажга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқилади: дастлаб тегишли тўлиқ пенсия аниқланади; ушбу пенсия талаб этиладиган иш стажы ойлари сонига бўлинади; олинган сумма амалдаги иш стажы ойлари сонига кўпайтирилади (252-сон Низомнинг 130-банди).

Иккитасидан бири



Бувам – пенсионер. У оғир касалликни бошидан кечириб, ногирон бўлиб қолди. У яна ногиронлик бўйича пенсияни ҳам олишга ҳақлими?

Мария И. Тошкент ш.

– Йўқ, бир вақтнинг ўзига пенсиянинг иккита тури тайинланмайди. Давлат пенсияларининг турли хилларини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга уларнинг ўзлари танлаган битта пенсия тайинланади (Қонуннинг 4-моддаси).

Агар амалдаги (тўланаётган) пенсия, масалан, ёшга доир пенсия миқдори бошқа пенсия, масалан, боқувчисини йўқотганлик пенсиясидан кам бўлса, пенсионер энг юқори миқдордагисини танлашга ҳақли.

Пенсияларнинг бир турини олган пенсионер Қонунга

мувофиқ унга бўлган ҳуқуқ мавжуд бўлган тақдирда пенсиянинг бошқа турига ўтказиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Пенсиянинг бир туридан бошқа турига ўтказишда тайинланган пенсияни тўлаш тўхтатилади ва қонун ҳужжатлари билан қўйиладиган талабларга мувофиқ бошқа турдаги пенсия тайинланади (252-сон Низомнинг 133-банди).

Янги тайинланган пенсия ариза берилган ойдан кейинги ойнинг 1-санасидан бошлаб тўланади.

Фақат нақд шаклда



Корхонамизда пенсиянинг 50%ини олувчи пенсионерлар ишлайди. Биз уни қандай шаклда тўлашимиз керак: нақд кўринишдами ёки пластик карталаридами?

З.Йўлдошева, бухгалтер.

– Президентнинг «Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (2.02.2017 йилдаги ПҚ-2753-сон) билан белгиланишича, 2017 йилнинг февраль ойдан бошлаб

барча турдаги пенсиялар бутун мамлакат ҳудудида ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда берилади.

Шундан келиб чиқилса, ишловчи пенсионерларга ҳам пенсиялар нақд шаклда тўланиши керак.

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Имтиёзлими ёки оддий?



Аёлларга 54 ёшдан пенсия тайинлаш учун, гарчи қонун ҳужжатларида 10 йил учун маълумотномани тақдим этиш кўрсатилган бўлса ҳам, 20 йиллик иш ҳақи тўғрисида маълумотномани талаб қилаётган Пенсия жамғармаси ходимлари ҳақлими?

Р.Урматова. Тошкент ш.

– Пенсияга имтиёзли шартларда – 54 ёшга тўлганда чиқиш учун Қонун 37-моддасининг 1-қисми «а», «б», «в» ва «г» бандларида назарда тутилган камида 20 йиллик иш стажига эга бўлиш керак (Қонуннинг 12-1-моддаси).

Қуйдагилар 54 ёшдан пенсия олиш ҳуқуқини белгилаш учун талаб этиладиган 20 йиллик иш стажига **қўшиб ҳисобланади**:

а) фаолият тури, мулк ва ҳўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий сугурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаган бўлса;

б) ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш;

в) идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги, махсус алоқа органлари ва тоғ-қонқутқарув қисмларидаги хизмат;

г) якка тартибдаги меҳнат фаолияти, шу жумладан якка (гуруҳли) ижара шароитидаги ёки шахсий ёрдамчи, деҳқон (фермер) ҳўжалигидаги фаолият, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланган тақдирда.

Қуйдагилар талаб этиладиган 20 йиллик иш стажига **қўшиб ҳисобланмайди**:

д) I гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага, шунингдек ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган (даволаш муассасасининг ҳулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қариюларга қараб турилган вақт;

е) олий таълим муассасаларида, аспирантурада, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтида, докторантурада, катта илмий ходим-изланувчилар институтида ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан чет элда ўқиш;

ж) бола 3 ёшга тўлгунча болани парваришлаш таътилларида бўлиш вақти, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йил;

и) Ўзбекистон Республикасининг дипломатик вако-

латхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг, шунингдек Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро ҳукуматлараро ташкилотларга квота қилинган лавозимларга хизмат сафарига юборилган шахсларнинг хотини (эри) чет элда бўлган, лекин 10 йилдан ошмаган давр.

Тегишинча, аёллар 54 ёшдан пенсия олиш ҳуқуқини белгилаш учун Қонун 37-моддасининг 1-қисми «а», «б», «в» ва «г» бандларида назарда тутилган **20 йиллик иш стажини тасдиқлашлари зарур**.

МИСОЛ. Аёл 24 йиллик иш стажига эга. Шундан 3 йили – болани парваришлаш таътили ва 4 йили – олий ўқув юртидаги ўқиш даври. Бу ҳолда у 54 ёшда пенсия олиш ҳуқуқига эга эмас, сабаби унинг стажи 17 йилли (24 – (3 + 4)) ташкил этади. Болани парваришлаш таътили ва ўқиш даври (3 + 4 = 7) зарур стажини ҳисоблаб чиқаришда инобатга олинмайди. Бошқача айтганда, ходим сугурта бадаллари тўланган 20 йиллик ҳар қандай иш стажига эга бўлиши зарур, шундан кейингина уларга бола туғиш ва парваришлаш таътилида бўлган, ўқиш ва ҳ.к. даврлар қўшилади.

Шуни қайд этиш зарурки, меҳнат дафтарчасида аёлларнинг ҳомиладорлик ва туғиш, болани парваришлаш, иш ҳақи сақланмайдиган таътилларида ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даврида бўлган даврлари акс эттирилмайди. Шу сабабли бу даврларни архив маълумотномалари билан тасдиқлаш талаб этилади.

Қонун ҳужжатларига кўра, Қонун 37-моддасининг 1-қисми «а», «б», «в» ва «г» бандларида назарда тутилган иш стажи 252-сон Низомга 12 ва 13-иловаларга мувофиқ расмийлаштирилмаган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома асосида аниқланади.

20 йиллик иш стажига эга бўлмаган аёлларга пенсия тайинлаш рад этилади, Қонуннинг 7 ва 8-моддаларига мувофиқ 55 ёшга тўлганларида ёшга доир пенсия тайинланади.

Зафаржон Хўжаев,

ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсиялар тайинлаш услубияти бўлимининг бошлиғи.

Маъзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Мутахассис тушунтиради

Директор учун шартнома

Баъзан ташкилот раҳбарининг пенсияга чиқиши кадрлар бўлими инспекторида бир қатор саволларни юзга келтиради. Айниқса директор МЧЖда узоқ вақт ўриндошлик асосида ишлаётган бўлса. Агар у пенсионер бўлса, меҳнат муносабатлари қандай расмийлаштирилади? Иш ҳақи суммаси пенсия тўловларини олишга таъсир кўрсатадими? ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппарати пенсияларни тайинлаш услубияти бўлимининг бошлиғи Зафаржон Хўжаев шу ва бошқа саволларга жавоб беради.

– **Пенсионер ўриндошлик асосида МЧЖ директори сифатида ишлаши мумкинми, бунинг учун қандай ҳужжатларни расмийлаштириш зарур? Жамият Пенсия жамғармасига қандай ҳужжатларни тақдим этади?**

– Пенсионернинг ўриндошлик асосида директор сифатида меҳнат фаолиятини амалга ошириши қисмида бирон-бир чекловлар мавжуд эмас.

Ўриндошлик асосида ишловчи пенсионерларга пенсия асосий иш жойидан тўланади (АВ томонидан 30.04.2011 йилда 2222-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 4-банди). Қонун ҳужжатларига кўра Пенсия жамғармасига у ҳақдаги маълумотлар ва унинг ҳужжатларини у ўриндошлик асосида ишлаётган МЧЖ эмас, балки асосий иш жойидаги кадрлар бўлими тақдим этади. МЧЖда ўриндош пенсионер ишлаётганлиги ҳақида Пенсия жамғармасига хабар бериш мажбурий эмас.

– **Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-1-бандига мувофиқ, директор билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномани тузиб, 100 фоиз пенсия олиши учун ёшга доир пенсиянинг минимал миқдордан ортиқ бўлмаган суммани тўлашимиз мумкинми?**

– Сиз фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномани туза олмасиз, чунки ташкилот директори билан фақат меҳнат шартномаси тузилади ва бу вазиятда муносабатлар Меҳнат кодекси билан тартибга солинади.

Штат жадвалига кўра доимий тусдаги функционал вазифаларни бажариш шартнома предмети ҳисобланади.

Меҳнат шартномаларига кўра ишловчиларга пенсия 50% миқдорда тўланади (уни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқига эга пенсионерлардан ташқари).

Меҳнат шартномасига кўра энг кам иш ҳақи Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси (ВМнинг 21.07.2009 йилдаги 206-сон қарори билан тасдиқланган) 1-разряди бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан, яъни 2,476 х ЭКЖнинг 1 бравари = 370 842,9 сўмдан кам бўлиши мумкин эмас (МКнинг 16, 155-моддалари).

Пенсионер тўлиқ ёки тўлиқсиз иш кунида банд бўлишидан қатъи назар, пенсия 50% миқдорда тўланади (пенсияларини тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқига эга пенсионерлардан ташқари) (Низомнинг 24-банди).

Фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишлайдиган ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган ёшга доир пенсияларнинг минимал миқдоридан паст даромад (гонорар, мукофот ва бошқалар) оладиган пенсионерларга пенсия тўлиқ миқдорда тўланади.

Бир марталик, доимий тусга эга бўлмаган ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш бундай шартнома предмети ҳисобланади. Буюртмачи билан ижрочи ўртасидаги муносабатларни Фуқаролик кодекси тартибга солади. Улар корхона штатида бўлмайди, МКда назарда тутилган талаблар,



нормалар ва имтиёзлар (масалан, ҳақ тўланадиган меҳнат таътили, ҳафтада 40 соатлик иш вақти, энг кам иш ҳақи ва ҳ.к.) уларга нисбатан татбиқ этилмайди.

– **Пенсияга чиқишдан олдинги ва кейинги ойда иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш тартибини тушунтириб берсангиз.**

– Пенсияга чиқишдан олдин ва кейин иш ҳақи миқдорларини ўзгартириш юзасидан ҳеч қандай чекловлар ёки ҳуқуқий нормалар белгиланмаган. Яъни пенсияга чиққанларнинг иш ҳақи чекланмайди ва оширилмайди. Пенсияларни тўлаш қисмида чекловлар мавжуд. Юқорида айтилганидек, даромади ёшга доир пенсиянинг минимал миқдори билан чекланган тақдирда пенсияни тўлиқ миқдорда олиш тартиби меҳнат шартномалари бўйича ишловчиларга татбиқ этилмайди. Ушбу норма фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича олинган даромадларигагина татбиқ этилади. Шу ўринда пенсионер бир нечта ташкилотда фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишласа, пенсияни тўлиқ миқдорда ёки 50% миқдорда тўлаш учун даромаднинг бутун суммаси ҳисобга олинишини қайд этиб ўтаман.

Буни билган яхши

Пенсионер учун эслатма

Кўпгина кексалар пенсияга чиққан заҳоти саёҳат билан машғул бўладилар ёки вақтинча яшаш учун, масалан, бошқа давлатдаги фарзандларининг ҳузурига йўл оладилар. Қайтганларида низоли вазиятлар юзага келмаслиги учун қуйидаги қоидаларни ёдда тутиш ва бажариш зарур.

1. Узоқ вақтга кетиши муносабати билан пенсия тўловларини тўлаш тўхтатиб турилиши ҳақида ПЖ бўлимини хабардор қилиш.

Тайинланган пенсияни тўлаш бу тўғрисида пенсионер томонидан ариза берилганда тўхтатиб турилади (252-сон Низомнинг 172-банди).

Бундай мурожаат пенсионернинг ўз манфаатларига хизмат қилади, бу билан ўзи ишонмайдиган киши (масалан, инсофсиз қариндоши) пенсиясини олишдан ўзини ҳимоялаган бўлади.

2. Пенсияни ишончнома берилган шахс олиши мумкин.

Ўз пенсиясини олишни бошқа шахсга ишониб топширган шахс Пенсия жамғармаси бўлимига бир йилда камида 1 марта келиб, тайинланган пенсияга бўлган ўз ҳуқуқини тасдиқлаши керак. Ўз навбатида ишончли вакил пенсия тўлашга таъсир этиши мумкин бўлган, ўзига маълум барча ҳолатлар тўғрисида Пенсия жамғармаси бўлимига хабар бериши шарт (252-сон Низомнинг 160-банди).

3. Пенсия пластик карточкада олинганда ҳар 6 ойда Пенсия жамғармаси бўлимида ўзининг пенсия суммасини олиш ҳуқуқини тасдиқлаши зарур.

Тижорат банкининг филиали орқали пенсия оладиган пенсионер ҳар 6 ойда пенсия тўлайдиган Пенсия жамғармаси бўлимига келиш йўли билан ўзининг пенсия суммасини олиш ҳуқуқини тасдиқлаши зарур (252-сон Низомнинг 158-банди). Пенсионер белгиланган муддатда Пенсия жамғармаси бўлимига келмаган тақдирда, ПЖ бўлими ходимлари 10 кун мобайнида:

- унинг тирик эканлиги;
- ишга жойлашганлиги;
- яшаш жойи ўзгарганлиги ёки чет элга кетганлиги;
- жазони ўташ жойларида эканлиги;
- кексалар ва ногиронларнинг интернат уйларида (пансионатларида) яшайётганлиги ҳолатларини аниқлаш учун пенсионер яшайдиган жойга борадилар.

Олинадиган пенсияга пенсионернинг ҳуқуқи тасдиқланган тақдирда пенсияни тўлаш навбатдаги 6 ойга давом эттирилади.

Пенсионернинг ҳуқуқлари тасдиқланмаган тақдирда, пенсияни тўлаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тегишли органи вакиллари ва қўшнилари иштирокида Пенсия жамғармаси бўлими ходимлари томонидан тузилган далолатнома асосида тўхтатиб турилади.

4. Саёҳатдан қайтган заҳоти пенсияни, шу жумладан олинмаган пенсияни тўлашни тиклаш тўғрисидаги ариза билан ПЖга мурожаат қилиш лозим.

Пенсияни тўлаш пенсионер ёки унинг васийси Пенсия жамғармаси бўлимига келгандан сўнг ва у ариза тақдим этгандан, шунингдек шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатгандан сўнг тикланади (252-сон Низомнинг 172-банди).

5. Ўтган давр учун пенсия фақат 12 ой учун тўланади.

Пенсионерга ҳисоблаб чиқариб қўйилган, лекин унинг томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган пенсия пули пенсияни олиш мақсадида мурожаат этилганидан олдинги 12 ойдан ошмаган давр учун тўланади (Қонуннинг 59-моддаси).

6. Доимий яшаш жойидан кетаётганда пенсияни:

доимий яшаш (прописка қилинган) жойидан;

6 ой аввал;

турар жойдан рўйхатдан чиққан ойнинг охиригача олиш мумкин.

Агар турар жой сотилганлиги муносабати билан аввалги турар жойингиздан рўйхатдан чиққан, бироқ хорижий давлатга кетгунингизга қадар, масалан, ҳужжатларни расмийлаштириш ва ҳ.к. учун муайян оралиқдаги вақт керак бўлса, пенсия олиш учун бошқа турар жойда вақтинча ёки доимий пропискadan ўтишингиз зарур.

Агар пенсия таъминоти тўғрисида халқаро шартнома тузилмаган хорижий давлатга доимий яшаш учун кетаётган бўлсангиз, Пенсия жамғармаси бўлимига кетиш тўғрисида ариза берилган кундаги пенсия миқдори ҳисоб-китобидан келиб чиқиб, жўнаб кетишдан 6 ой аввал пенсия олишингиз мумкин. Олти ойлик давр доимий яшаш учун кетишдан аввалги пенсия тўлаш учун аризада кўрсатилган санадан бошлаб ҳисоблаб чиқилади.

Ўзбекистон пенсия таъминоти тўғрисида халқаро шартномалар тузган давлатларга доимий яшаш учун кетилган кунгача тайинланган пенсия турар жойдан рўйхатдан чиққан ойнинг охиригача тўланади.

Ўзбекистон ташқарисига доимий яшаш учун кетаётган фуқароларга пенсияни тўлаш унинг аризаси ва «Доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқарилди» деган белги бўлган шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида тўхтатилиши мумкин (252-сон Низомнинг 177-банди).

Пенсиялар миқдорлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзгарганда, 6 ой аввал тўланган пенсия қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Бизга мактуб йўллабсиз

Ишсизлар учун пенсия



Пенсиялар муддатидан аввал тайинланиши ҳақида эшитиб қолдим. Бу қандай пенсиялар?

Рамизов. Тошкент ш.

– Ҳақиқатан ҳам, Қонуннинг 14-моддаси билан ёшга доир пенсияларни муддатидан олдин тайинлаш назарда тутилган. У технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг

туғатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахслар:

➤ эркакларга – 58 ёшга тўлганда ва иш стажы камида 25 йил бўлган тақдирда;

➤ аёлларга – 53 ёшга тўлганда ва иш стажы камида 20 йил бўлган тақдирда тайинланади.

Ана шу мақсадда муддатидан олдин пенсияни тайинлашни сўраб ариза бераётганда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги туман (шаҳар) Бандлик марказининг шахсни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги тақдимномасини ҳам илова қилиш зарур (252-сон Низомнинг 12-банди «п» кичик банди).

Битта қоғозга камайди



Пенсияни қайта ҳисоблаш тўғрисидаги ариза қанча муддатда кўриб чиқилиши керак? Қайси ҳолларда пенсияни қайта ҳисоблаш тўғрисида ариза бериш мажбурий эмас?

Ерметов. Тошкент ш.

– Пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш тўғрисидаги ариза Пенсия жамғармаси бўлими томонидан 5 кун муддатда кўриб чиқилади (252-сон Низомнинг 150-банди).

Қуйидаги ҳолларда пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш тўғрисида ариза бериш талаб қилинмайди:

➤ қонун ҳужжатларига мувофиқ энг кам ойлик иш ҳақининг миқдори ўзгарганда;

➤ тайинланган пенсия миқдори камайишига олиб келган ҳолатлар юз берганда;

➤ оиланинг 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган аъзоларидан бири таълим

муассасасидан берилган унинг ўқувчи эканлиги ҳақидаги маълумотномани тақдим этган тақдирда боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчи оила аъзолари сони ўзгарганда;

➤ ногиронлик гуруҳи ўзгарганда (252-сон Низомнинг 149-банди).

Шартнома бўлмаса, йиғмажилд берилмайди



Мен Литвага доимий яшаш учун кетаяпман. Пенсия жамғармаси бўлимида пенсия йиғмажилдими беришдан бош тортдилар. ПЖ ходимлари ҳақлими?

Л.Маркова. Тошкент ш.

– Пенсия жамғармаси бўлимининг ходимлари ҳақли. Агар пенсионер Пенсия таъминоти соҳасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги қатнашчилари бўлган давлатларнинг фуқаролари ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида Битим (Москва, 13.03.1992 йил) қатнашчилари бўлган давлатларга ва ижтимоий таъминот (пенсия таъминоти) тўғрисидаги икки томонлама шартномалар қатнашчилари бўлган давлатларга доимий яшаш учун жўнаб кетаётган

бўлса, пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди пенсионерга (ишончли вақилга) берилиши мумкинлиги ҳисобга олинади (252-сон Низомнинг 197-банди).

Литва ижтимоий таъминот (пенсия таъминоти) тўғрисидаги халқаро шартномалар имзоланган давлатлар таркибига қирмайди. Бинобарин, пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди берилмайди ва у Пенсия жамғармаси бўлими архивида сақланади (252-сон Низомнинг 198-банди).

Маълумот учун!

Ташкилот раҳбари пенсионерни ИШГА қабул қилганда уни ишга қабул қилганлиги ҳақида (фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузилганда) пенсионернинг яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига 5 КУН ичида хабар бериши ва буйруқдан кўчирмани (фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома нусхасини) тақдим этиши ШАРТ.

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Маълумот учун!

Уруш қатнашчилари учун имтиёзлар

Уруш қатнашчиларига тенглаштирилаётган шахслар (252-сон Низомга 1-илова) доирасига ҳарбий ҳаракатлар кетаётган мамлакатларда ўз байналмилал бурчларини адо этган, тинчлик ўрнатувчи қучлар таркибидида иштирок этган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар ва МХХ органларининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахслар ҳам қиради.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун билан улар учун бир қатор имтиёзлар назарда тутилган:

1) ЭКИХнинг 50%и миқдоридида пенсияга устама ҳақ (Қонуннинг 28-моддаси «ж» банди);

2) ҳаракатдаги армия таркибига кирувчи ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасалардаги, жанговар ҳаракатлар даврида партизан отрядлари ва қўшилмаларидаги хизмат ва эркин ёлланганлар таркибидида иш, байналмилал бурчни бажаришда жанговар ҳаракатларда иштирок этиш стажга 3 ҳисса баробарида қўшиб ҳисобланади (Қонуннинг 38-моддаси);

3) ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланади (20.11.1995 йилдаги ПФ-1289-сон);

4) уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ЭКИХнинг 45%и миқдоридида ҳар ойда компенсация пул тўловларини олиш ҳуқуқи. Ушбу компенсация суммаси жисмоний шахсларнинг жами даромадида киритилади

ҳамда ишловчи ва ишламайдиган пенсионерларга иш ҳақи (пенсия, нафақа) тўланадиган муддатларда берилади (14.04.2015 йилдаги ПФ-4715-сон Фармонга 1-илова);

5) 2 йилда бир марта (навбат асосида) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларига бепул санаторий-курорт йўлланмаларини олиш (АВ томонидан 27.04.2012 йилда 2356-сон билан рўйхатдан ўтказилган йўриқнома).



Уларда қандай

Стажни тасдиқланг

РФ ҳукумати суғурта пенсияларини ҳисоблаб ёзиш учун стажни ҳисоблаш ва тасдиқлаш тартибини ўзгартирди. Хусусан, I гуруҳ ногиронини, ногирон болани ёки 80 ёшдан ошган кексани парваришлаш даврларини тасдиқлаш осонлашади. Бундай даврлар якка тартибдаги ҳисоб маълумотлари билан тасдиқланади.

Пенсия қонунчилигига мувофиқ, кўрсатилган тоифадаги кишиларни парваришлаётган кишининг парваришлаш даври ҳар йил учун 1,8 пенсия балли миқдоридида суғурта стажни сифатида ҳисобга олинади. Бу парваришлаётган шахс суғурта пенсиясини олиш учун ўз пенсия ҳуқуқларини шакллантиришига имкон беради.

Шунингдек қоидалар бир неча янги бандлар билан тўлдирилди. Хусусан, фуқаро асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилганлиги сабабли ишдан четлаштирилган давр стажга қўшилади.

«Қабул қилинган қарорлар фуқароларнинг пенсия ҳуқуқлари тўлиқроқ ҳисобга олинишини ва келгусида амалга оширилишини таъмин-

лаш имконини беради», – дейилади қарорга тушунтириш хатида.

2015 йилдан бошлаб кексаликка доир суғурта пенсияси фақат якка тартибдаги пенсия коэффициенти мавжуд бўлганда тайинланади. Уни олиш учун муайян миқдорда балл тўплаш лозим. Бу миқдор эса ҳар йили ошиб боради. Агар 2016 йилда 9 балл тўплаш кифоя қилган бўлса, 2017 йилда 11,4 балл тўплаш зарур. 2018 йилда 13,8 балл керак бўлади ва ҳоказо – 2025 йилда 30 баллга етади.

Суғурта пенсияси ҳисоблаб ёзиладиган пенсия ёши эркаклар учун 60 ёшни, аёллар учун эса 55 ёшни ташкил этади.

Интернет тармоғи материалларидан.



Маъзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Конунчиликдаги янгилик

Ҳисобга олиниб, йўқ қилинади

Президентнинг 30.05.2017 йилдаги ПФ-5061-сон Фармони билан Ўзбекистон фуқароларининг биометрик паспортлари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатларини ҳисобга олиш ва йўқ қилиш тартиби белгиланган (*ҳужжат матни давлат раҳбарининг president.uz расмий сайтида эълон қилинган*).

Маълумот учун: айти пайтда биометрик паспортлар Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низомга (5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 1-илова) мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказида йўқ қилинади.

Фармон билан қуйидаги биометрик паспортлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатларини ҳисобга олиш ва йўқ қилиш тартиби жорий этилди:

➤ уларни тайёрлаш чоғида юзага келган брак сабабли яроқсиз деб топилган ҳамда алмаштириш учун ИИБнинг



Миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш бўлиналари ва ТИВнинг консуллик бошқармасидан қайтарилганлари — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказида;

➤ муддати ўтган ва ҳақиқий эмас деб топилганлари — ИИБнинг Миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш бўлиналари ва ТИВнинг консуллик бошқармасида.

Олег Заманов,
«Norma Online» эксперти.

АКТ амалда

Паспорт тайёр бўлишини онлайн кузатиш мумкин

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази шахсни тасдиқловчи биометрик ҳужжатни олишга электрон ариза қўриб чиқилаётганини кузатиш имконини берувчи онлайн-сервисни ишга туширди.

Интерактив сервис электрон ариза турган босқич ва биометрик ҳужжатнинг тайёрлиги даражаси ҳақида батафсил ахборот ҳам беради, — дейилади давлат органи хабарида.

Сервисдан фойдаланиш учун маълумотларни йиғиш пункти аризага берадиган аризанинг ҳарфий-рақамли 32 та белгилари рақамини киритиш зарур.

Шундан кейин қисқа жавоб берилади: ишлов берилмоқда; маълумотлар йиғиш пунктига юборилган; берилиши кутилмоқда; рад этилган.

Ўз ахборотимиз.

Бундай қилишга ҳақли эмас

Танишим қишлоқда, кўп йил аввал ҳужжатларни расмийлаштирмай қўшниларига сотган уйда пропискадан ўтган. Паспортидаги эски прописка билан пойтахтда яшаб, ишлаб келган. Жўнаб кетиш варақасини олиш учун пропискадан ўтган қишлоққа борди, бироқ паспортни уни беришни рад этди. Қандай йўл тутиш лозимлигини айтсангиз. Жўнаб кетиш варақасини расмийлаштирмаса ҳам бўладими?

О.У.

— Сизнинг ҳолатда паспортни ҳуқуққа зид хатти-ҳаракат қилган.

Танишингизни пропискадан чиқариш учун прописка қилиш ва ундан чиқаришни расмийлаштиришга ҳақли бўлмаган паспортисткага эмас, пропискадан ўтган жойдаги паспорт столи ходимига мурожаат қилиш зарур.

Фуқаролар пропискадан чиқиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

➤ чиқиб кетиш сабаби ва жойини кўрсатган ҳолда ички ишлар органининг раҳбари номига эркин шаклда ёзилган ариза;

➤ паспорт ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

➤ муҳофаа ишлари бўлими ҳисобидан ўчирилганлиги ҳақида белги қўйилган ҳарбий-ҳисоб ҳужжатлари;

➤ уй дафтери ёки 4–5-сон шаклдаги прописка картчаси, квартира картчаси;

➤ давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция (АВ томонидан 9.04.1999 йилда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқнома).

Бошқа жойда доимий яшаш учун пропискадан чиқарилганлиги расмийлаштирилгандан кейин унинг паспортига пропискадан чиқарилганлиги ҳақида штамп қўйишлари ва чиқиб кетадиган жойини кўрсатган ҳолда манзилли жўнаб кетиш варақасини қўлга беришлари шарт.

Қизим билан — ватанимга

Мен Хитойда яшайман ва ишлайман. Қизим шу ерда туғилган. У билан Ўзбекистонга бориб қайтмоқчимиз. Паспортни бу ерда Элчихона орқали расмийлаштириш мажбурийми?

Ф.Акимов.

— Ҳа, паспортни ёки ҳаракатланиш ҳужжатини расмийлаштириш учун чет элда ҳисобда туриш жойидаги Ўзбекистон Республикаси консуллик

муассасасига мурожаат қилишингиз зарур. Бунда вояга етмаган шахслар номидан уларнинг ота-оналари, васийлари (ҳомийлари), муассасалар ва ташкилотлар вакиллари тегишли илтимосномалар билан мурожаат қиладилар (*Низомнинг 3-банди, ВМнинг 7.07.2011 йилдаги 200-сон қарорига 1-илова*).

Паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатини олиш учун ЎЗР консуллик муассасасига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

➤ паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатини бериш учун белгиланган шаклдаги ариза;

➤ ушбу муассаса ёки ташкилот орқали чет элга чиқилган тақдирда муассаса ёки ташкилотнинг белгиланган намунадаги бюуртномаси;

➤ туғилганлик ҳақида гувоҳнома;

➤ 35 x 45 мм ўлчамли фотосурат;

➤ давлат божи ёки консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимлар тўланганлиги ҳақида квитанция (*Низомнинг 16-банди*).

Юқорида баён этилганлар муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Пекиндаги Элчихонасида қизингиз учун биометрик паспорт олишингиз зарур, ана шунда Ўзбекистонга кела olasiz.

Доимий яшаш учун — Ўзбекистонга

Мен Қозоғистон Республикаси фуқаросиман, бироқ Самарқанд вилоятида доимий пропискадан ўтган ҳолда яшаш гувоҳномасига (қўқ паспорт) эгаман. 2013–2017 йилларда вақтинча рўйхатдан ўтган ҳолда Тошкент архитектура институтида ўқишман. Айти пайтда Тошкентда яшайман. Пойтахтда доимий пропискадан ўтишга ҳақлимми?

К.Бахметов. Тошкент ш.

— Яшаш гувоҳномасига эга фуқаролар Ўзбекистонда доимий пропискадан ўтишга ҳақлилар. Республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган ҳамда яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий пропискани расмийлаштириш учун туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг (ТШИБ) хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролиқни расмийлаштириш бўлимига (ХЧК-ваФРБ)* мурожаат қиладилар ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

➤ Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган шакл бўйича ариза;

➤ яшаш гувоҳномаси;

➤ уй-жой учун ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

➤ уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг турар жой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

➤ никоҳ тузилганлик ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

➤ прописка қилинганлик учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

ТШИБ ХЧКваФРБ ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг бир сутка мобайнида ҳужжатларни ўрганиб, расмийлаштирилгандан сўнг уларни Ички ишлар бошқармасининг (ИИБ) ХЧКваФРБга ёки Ички ишлар бошқармасининг (ИИБ) ХЧКваФРБга юборади, улар 3 иш куни мобайнида тақдим этилган ҳужжатларни текширади ва материалларни тегишли ваколатли органга юборади.

Тегишли ваколатли органининг ижобий жавоби олинган тақдирда ИИБ ХЧКваФРБ ёки ИИБ ХЧКваФРБ 10 кун муддатда Тошкент шаҳар ИИББ ёки Тошкент вилояти ИИБ бошлигининг тегишли ўринбосари тасдиқлайдиган қарорни чиқаради.

Тошкент шаҳар ИИББ ёки Тошкент вилояти ИИБнинг ижобий қарори Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига республиканинг бошқа минтақаларидан келган, яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискани расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

Бундай шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий прописка қилишни рад этиш тўғрисидаги қарор ТШИББ ХЧКваФРБ ёки ИИББ ХЧКваФРБ, ИИБ ХЧКваФРБ томонидан қабул қилиниши мумкин (*Низом, ВМнинг 16.02.2012 йилдаги 41-сон қарорига 2-илова*).

*Президентнинг 10.04.2017 йилдаги ПФ-5005-сон Фармони билан Хорижга чиқиш, кириш ва фуқаролиқни расмийлаштириш бошқармаси Миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш бошқармасига ўзгартирилди.

Депутатлар таклифи

Муддати ўтказиб
юборилган паспорт
учун жарима
камайтирилади

Ушбу шарҳда Парламент қуйи палатаси депутатларининг муҳокама этилаётган «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 223-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан тушунтиришлари келтирилган.

Қонунчилик палатаси депутатлари ва Олий Мажлис Сенати аъзолари жорий йил февраль ва март ойларида мамлакатимизнинг 24 туманида ҳовлима-ҳовли айланиб чиқиб, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, одамлар турмуш даражаси ва сифатини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир ишларнинг боришини ўргандилар. Кишилар билан юзма-юз мулоқот қилиш жараёнида қонун ҳужжатларининг айрим нормаларини такомиллаштириш йўли билан ҳал этишни талаб қилаётган масалалар ва муаммолар аниқланди.

Маълумот учун: мамлакатимиз Президентини Ш.Мирзиёев Конституция қабул қилганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали ўнгиллишда қонунлар, давлат ва ҳудудий дастурлар жойларда ижро этилиши ҳолатини ўрганишни, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятини таҳлил қилишни ва унинг яқунлигига кўра миллий қонунчиликни янада такомиллаштиришга доир таклифлар киритишни Парламентга таклиф этди.

Хусусан, МЖТКнинг 223-моддаси 1-қисми талаблари республика фуқаролари паспортларни олишларида муайян қийинчиликлар тўғрисида. Чунки, қонунда белгиланган муддат ўтгандан кейин паспорт олишга ариза бериш ЭКИХнинг 3 баравари (449 325 сўм) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Парламент аъзолари текширув чоғида Чуст туманида 2 850 киши, Ўйчи туманида 1 876 киши, Ғаллаорол туманида 1 598 киши, Тошлоқ туманида 1 865 киши муддати ўтиб кетган паспортлар билан яшаётганликларини аниқладилар.

Муддати ўтказиб юборилган паспортга эга кишиларнинг аксарияти кам таъминланган оилаларга мансублигини инобатга олсак, уларга ЭКИХнинг 3 баравари миқдорда жарима солиш қўшимча молиявий қийинчиликларни юзага келтиради ва ўз навбатида фуқароларнинг паспорт олмакликларига сабабчи бўлади.

Фуқароларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш ва МЖТКни янада либераллаштириш мақсадида ушбу жаримани энг кам миқдорини аниқлаштирган ҳолда камайтиришни таклиф қиламиз. Яъни уни айнан ЭКИХнинг 1/2 бараваридан 3 бараваригача этиб белгиланган маъқул.

Фикримизча, ушбу қонуннинг қабул қилиниши давлат сиёсатининг устувор вазифаси бўлган ижтимоий адолат принципини ўрнатиш, аҳолини умумфуқаровий паспортлар билан таъминлаш масалаларида ички ишлар органлари масъулияти ва очиклигини ошириш имконини беради.

Аксавли Тумишова, Алия Юнусова,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутатлари, ЎзХДП фракцияси аъзолари.

2005 йилда чет эл фуқаросига уйланиб, Ўзбекистондан кетганман. Яқинда паспортимни йўқотиб қўйдим. Ишончнома асосида паспортни расмийлаштириш мумкинми (онам Тошкентда яшайди)? Агар шундай қилишнинг имкони бўлса, ишончномани қандай қилиб ва қаерда расмийлаштириш лозим, зеро менинг ҳеч қандай ҳужжатим йўқ? Бундай вазиятда қандай йўл тутаётган?

Д.Х.

— Хорижда бўла туриб, ишончнома асосида паспортни расмийлаштира олмайсиз. Бунинг учун шахсан ҳозир бўлишингиз зарур (Йуриқнома, ИИВнинг буйруғига 1-илова, АВ томонидан 9.04.1999 йилда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Яшаш жойидаги паспорт столида фуқароларни пропискадан чиқаришгина нотариал тасдиқланган ишончнома асосида амалга оширилади (Йуриқноманинг 48-банди).

Паспорт олиш учун Ўзбекистонга қайтишингизга тўғри келади. Чет давлат ҳудудида бўлганда, биринчи навбатда паспортни йўқотганлигингиз масаласи бўйича ҳақиқатан ҳам мурожаат қилганингиз ҳақида маълумотнома олишни сўраб ички ишлар органларига мурожаат қилишингиз зарур. Маълумотномани олган, Ўзбекистон Республикаси Элчихонасида Ўзбекистонга қайтиш учун сер-

Ишончнома асосида
паспорт олса бўладими?

тификат олишингиз керак. Бунинг учун уни олишга ариза беришингиз лозим. Унда одатда фамилияси, исми шарифи, туғилган санаси ва жойи, Ўзбекистонда доимий яшайдиган манзили, паспорт ёки фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасининг серияси ва рақами, берилган санаси, кўрсатилган ҳужжатларни берган орган, уларнинг амал қилиш муддати, шунингдек Ўзбекистонда яшовчи яқин қариндошлари ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади. Аризага 3 x 4 см ўлчамли 3 та фотосурат, шунингдек:

➤ шахсини тасдиқловчи ҳужжат йўқотилганлигини ёхуд ўғирланганлигини тасдиқловчи, турган мамлакатининг ваколатли органлари берадиган ҳужжатлар;

➤ мавжуд бўлганда — паспорт ксеронохсаси илова қилинади (АВ томонидан 17.06.1998 йилда 448-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йуриқнома).

Сертификат олаётганда, 15 АҚШ

доллари миқдоридagi консуллик йиғимларидан ташқари, қонун ҳужжатларида жарима санкциялари назарда тутилмаган.

Ўзбекистонга келган, аввалги пропискадан ўтган жойингиздаги паспорт столида сертификат асосида доимий прописка қилинганлигингиз қайд этилган биометрик паспортни расмийлаштиришлари керак (Низом, 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 1-илова).

Чет элда бўлиш мақсадида қатъи назар, паспорти бўлиши шарт бўлган фуқаронинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшаши, паспортни қасддан яроқсизлантириши, шунингдек паспортни бепарволик билан сақлаши ва бунинг оқибатида паспортнинг йўқолиши учун ЎЗР МЖТКнинг 223-моддаси билан жарима — ЭКИХнинг 3 баравари солиниши назарда тутилган.

Вазиятдан чиқиш йўли борми?

Турмуш ўртоғим билан Нью-Йоркда яшаймиз ва консуллик ҳисобда турамыз. Доимий яшашимиз учун виза ва рухсатнома бериш бўлими штампини босиб берганлар. Ўғлимизни ҳам ҳисобга қўйдиришга қарор қилдик, сабаби у Тошкентга бориб келмоқчи. У 17 ёшда кетган, фақат рўйхатда туриши ҳақида гувоҳномаси бор. Консулхонада мудофаа ишлари органидан ҳужжат олиб келишни талаб қилдилар, у ердагилар бу қандай ҳужжат эканлигини билишларини айтдилар.

Пропискадан ўчиш ва квартирани сотиш учун Тошкентга келганимда мудофаа ишлари органига мурожаат қилдим, бироқ бу ердагилар ўғлим учун ҳеч қандай маълумотнома бермадилар. Бунинг устига, ўғлимни пропискадан ҳам ўчиртира олмайман, сабаби унда мудофаа ишлари органининг маълумотномаси йўқ.

Энди қандай йўл тутатиш мумкин?

К.Ярошенко. Тошкент ш.

— Ўғлингиз вақтинча яшаш учун АҚШга чиқиб кетаётганда яшаш жойидаги мудофаа ишлари органини бу ҳақда хабардор қилиши шарт эди («Умумий ҳарбий қишлоқ шартлари ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун; ВМнинг 4.03.2003 йилдаги 119-сон қарори билан тасдиқланган Низом). Энди ишончнома асосида рўйхатдан чиқарилишини расмийлаштираётганда ўғлингиз шахсан ҳозир бўлмаганлиги ва ЎЗР МЖТКнинг 235-моддаси талабларини бузганлиги сабабли мудофаа ишлари бўлимининг ҳарбий рўйхатидан чиқаришни рад этишлари мумкин.

Қақрилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларини бузиши, шунингдек қақриув бўйича мудофаа ишлари органига узрсиз сабабларга кўра келмаслиги ёки турар

жойи, ўқиш жойи, иш жойи ва лавозимдаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни қаерда ҳарбий ҳисобда турган бўлса, шу органга ўз вақтида маълум қилмаслиги, ЭКИХнинг 1/10 қисмидан 1/3 қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шу муносабат билан ўғлингизга Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги консуллик муассасасидан ватанига қайтишга сертификат олишни ва биометрик паспорт олиш, доимий яшаш жойига чиқишни расмийлаштириш учун Ўзбекистонда пропискадан ўтган жойидаги паспорт столига шахсан мурожаат этишини тавсия қиламиз. Сўнгра ҳарбий рўйхатдан чиқаришни сўраб туман мудофаа ишлари органига мурожаат этсин, шундан кейингина АҚШдаги доимий яшаш жойида пропискадан ўтсин.

Вақт пул
демак

Чет эл фуқароси Ўзбекистонда туришини қанча вақт ичида рўйхатдан ўтказиши керак?

А.Ерматов.
Тошкент ш.

— Республикага келган чет эл фуқароси 3 сутка ичида рўйхатдан ўтиш шарт (АВ томонидан 14.05.2012 йилда 2363-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йуриқнома). Акс ҳолда у мамлакатимизда бўлиш қоидаларини бузади. Бундай ҳуқуқбузарлик ЭКИХнинг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдордаги жарима билан жазоланади (ЎЗР МЖТКнинг 225-моддаси).

Хизмат ишларига шахсий транспорт

Корхона микрофирма (ЯСТ тўловчиси) ҳисобланади.

2016 йил охиригача ходимга (веб-дизайнер) нормалар доирасида корхона манфаатларини кўзлаб шахсий автомобилдан фойдаланганлиги учун компенсация тўланган. 2017 йил бошида корхона автомобиль сотиб олди ва моддий жавобгарликни юклаган ҳолда уни техник директорга берди. Амалиётда корхона манфаатларини кўзлаб хизматлар етказиб берувчилар, мижозлар ва бошқалар олдида кўп қатнашишга тўғри келади. Йўл варақалари, километрларни ҳисоблаш ва бошқалар билан боғлиқ муаммолар юзага келганда техник директор автомобилдан фойдаланишга бепул ссудани расмийлаштиришни ва корхонани муаммолардан халос этишни таклиф қилди. Муассис, корхона директори ҳам унинг ўзи, ссуда шартномасини тузишга қарши эмас. Бундай ҳақларга жавобингизга қараганда, автомобилдан фойдаланишга бепул ссудани корхона ходимига расмийлаштириш мумкин. Унинг иш ҳақидан моддий наф тарзидаги даромаддан бўлгани каби умумий шкала бўйича даромад солиғи ушлаб қолинади. Бепул ссуда эса нотариал тасдиқланади ва ДИХХда рўйхатдан ўтказилади.

Техник директор бандлиги сабабли директор, бош бухгалтерни мунтазам олиб юролмайди, мижозлар хузурига қатнай олмайди. Бунинг ўриндошлик асосида веб-дизайнер – 2016 йилгача шу иш билан машғул бўлган корхонамиз ходими қилади.

1. Автомобиль ссуда шартномасига кўра техник директорга бепул берилганда корхонада солиқ оқибатлари юзага келадими?

2. Корхона балансида автомобилга эга бўла туриб, корхонада бошқа ишни бажарувчи ходимга шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация тўлаши мумкинми?

Э.Сувонова,
бош бухгалтер.

1 Автомобиль ссуда (текин фойдаланиш) шартномасига кўра ўз ходимига берилганда, агар автомобилдан ходимнинг шахсий эҳтиёжлари учун фойдаланилса, ссуда берувчи корхонада солиқ оқибатлари юзага келмайди.

Бироқ техник директор корхона бошқарув органининг аъзоси ҳисобланиши сабабли корхонагиз билан техник директор ўртасида текин фойдаланиш шартномасини расмийлаштириш вариантини қўллаб бўлмайди (ФКнинг 618-моддаси).

Корхона у билан автомобилни ижарага бериш шартномасини расмийлаштириши мумкин.

Бу ҳолда корхонада оператив ижарага беришдан даромад юзага келади, сизнинг ҳолатда унга бошқа даромад сифатида қаралади. Бошқа даромадга асосий фаолият тури учун белгиланган ставкада ЯСТ солинади. Ижарага беришдан даромад, башарти ижарадан тушган тушум товарлари (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан даромадларнинг умумий суммасидан ошмаса, бош-



қа даромад деб тан олинади (Солиқ кодексининг 130-моддаси). Акс ҳолда корхонада қўшимча фаолият тури – мол-мулкни ижарага бериш юзага келади.

Шуни қайд этиш зарурки, автомобилни ижарага бериш (ёки ссуда) шартномасини тузишда автомобилни сақлашга (бензин, таъмирлаш ва ҳ.к.) доир барча харажатлар ижарага берувчи – техник директор зиммасида бўлади.

Бунда автомобилдан амалда корхона манфаатларини кўзлаб

фойдаланилса, корхонада текинга олинган мулк хуқуқлар кўри-нишидаги даромад юзага келади. Текинга олинган мулк хуқуқлар суммаси бошқа даромадлар таркибида ЯСТни ҳисоблашда солиқ солиш базасига киритилади (Солиқ кодексининг 132, 135, 355-моддалари).

Шу сабабли энг тўғри вариант – корхона бухгалтерия ҳисобида автомобилдан фойдаланиш харажатларини белгиланган тартибда ҳисобга олиш.

2 Шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун ходимга компенсация тўлаш корхона балансида бўлган автомобиллар сонига боғлиқ эмас.

Агар веб-дизайнернинг ҳақиқатан ҳам хизмат эҳтиёжлари учун ўз автотранспортидан фойдаланса, ВМнинг 2.04.1999 йилдаги 154-сон қарорида белгиланган тартибда шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун унга компенсация тўлашга ҳақлиқсиз.

Ходимга шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация тўлаш ҳақидаги қарорни корхона раҳбари қабул қилади. Корхона раҳбарининг буйруғи компенсация тўлашга асос бўлади. Нормалар доирасидаги компенсацияга солиқ солинмайди ва у ўртача иш ҳақини ҳисоблаб ёзишда инobatга олинмайди (ВМнинг 154-сон қарорига 3-иловача).

Дарина Абухович, «Norma Online» эксперти.

Йўлларда камералар ишга тушган пайтдан буён йўл ҳаракати қоидаларини бузиш сони КАМАЙДИ. Ўрта ҳисобда 8 600 та қоидабузарликдан 1 100–1 400 тагача.

Бизга мактуб йўллабсиз

Ҳужжатлардаги тартиб

Ҳайдовчилик гувоҳномамни йўқотиб қўйдим. Дубликатни расмийлаштириш даврида автомобилни гувоҳномасиз бошқарсам бўладими?

Нишонов. Тошкент ш.

– Йўқ, мумкин эмас.

Ҳайдовчилик гувоҳномасининг дубликатини расмийлаштириш давомида бир ой муддат билан вақтинчалик рухсатнома берилади. Тасдиқловчи ҳужжатлар олингунга қадар вақтинчалик рухсатнома муддатини яна бир ойгача узайтириш мумкин (Низомнинг 70-банди, ВМнинг 2.08.2006 йилдаги 156-сон қарорига 1-илова).

Ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқотилганда ҳайдовчи қуйидагиларни ёнида олиб юриши шарт:

- транспорт воситасини вақтинчалик бошқариш ҳуқуқини берувчи талонни;
- унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни;
- транспорт воситаси ёки тиркамани қайд қилиш гувоҳномасини, транспорт воситасининг эгаси бўлмаган ҳол-



ларда эса – умумий эгалик ҳуқуқини ёки тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи, эгалик қилишга ва фойдаланишга берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни;

➤ транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш бўйича сўғурта полисини;

➤ қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда – йўл варақаси ва ташилаётган юкнинг ҳужжатларини (ЙХҚнинг 7-банди, ВМнинг 24.12.2015 йилдаги 370-сон қарорига 1-илова).

Уларда қандай

Чет эллик ҳайдовчилар учун бошқариш ҳуқуқи

Чет элнинг бошқариш ҳуқуқини берувчи талонига эга малакали ҳайдовчиларнинг Россияда ишлашини тақиқловчи қонун 1 июндан бошлаб кучга кирди.

Россиянинг бошқариш ҳуқуқини берувчи талонини олиш учун ҳайдовчилар 3 та мажбурий: назарий ва 2 та амалий имтиҳон (автодромда ва шаҳарда) топширишлари зарур. Миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини Россия гувоҳномаларига алмаштириш муддати узайтирилмаслиги сабабли кўп сонли чет эллик ҳайдовчилар ишдан маҳрум бўладилар.

Шунингдек июнь ойидан бошлаб ЙХҚ бузилишини фото– ва видеоқайд этиш комплекслари учун янги ДСТлар жорий этилмоқда. Радиолокацион, лазерли, индуктив, магнитли ва пьезоэлектр комплекслар бўлиши мумкин. Тезликни ўлчаш диапазони 20 км/соатдан 250 км/соатгача бўлиши керак. Рақамни ўқиш эҳтимоли камида 90%ни ташкил этиши лозим.

Интернет тармоғи материалларидан.



ГАРАЖ ҳўжаликлари тартибсиз жойлашган ЖОЙЛАРДА болалар майдончалари қурилади, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилади. Автомобиллар эгалари учун йил охиригача 24 та кўп қаватли автотураргоҳни фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда.

Қонунчиликдаги янгилик

Ўзимизнинг машиналар сўмга сотилади

Президентнинг «Женерал Моторс Ўзбекистон» АЖ ишлаб чиқараётган маҳсулотларга нархлар шаклланишини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (26.05.2017 йилдаги ПҚ-3010-сон) мувофиқ 2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб «Женерал Моторс Ўзбекистон» АЖнинг барча автомобиль моделларини ички бозорда миллий валюта — сўмга сотишга ўтилади.

«Ўзавтосаноат» АҚ томонидан 2017 йилнинг 1 июнигача тузилган шартномалар бўйича енгил автомобиллар етказиб бериш ва тўловларни қабул қилиш, шартномаларда назарда тутилган қатъий шартлар

ва белгиланган муддатларда тўловларни халқаро пластик карточкалар орқали амалга ошириш таъминланиши лозим.

Бундан ташқари, компанияга қуйидаги вазифалар топширилди:

➤ ташқи бозорларни ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар турларини янада диверсификациялаш, ташқи бозорлардаги ўрнимизни мустаҳкамлаш ҳисобига экспорт ҳажмини кўпайтириш;

➤ янги рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш;

➤ бутловчи қисм ва узеллар ишлаб чиқаришни



маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, автомобил-созликни ривожлантириш учун зарур бўлган асосий хом ашё ва материалларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича тармоқлараро кооперацияни кенгайтириш ҳисобига импортнинг улушини камайтириш ва маҳсулотлар таннархини пасайтириш.

Самир Латипов,
«Norma Online» эксперти.

Пойтахтда йўловчи транспорти: келажакка назар

Президентнинг 19.05.2017 йилдаги ПҚ-2979-сон қарори билан пойтахтда электрлаштирилган тезюзар икки йўлли айланма темир йўл қурилиши тартиби тасдиқланди ва шаҳар йўловчи транспорти тизимини янада ривожлантириш бўйича қатор топшириқлар берилди.

Лойиҳа қандай амалга оширилади

Лойиҳа 2017–2021 йиллар мобайнида йўловчи электр поездлар харид қилинишини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилади. Умумий ҳисоб-китоб қиймати 320,1 млн АҚШ доллари эквивалентини ташкил қилади.

Лойиҳа буюртмачиси «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилиши, маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши учун масъул ҳисобланади. «Боштранслойиҳа» АЖ бош лойиҳалаш ташкилоти, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг таркибий бўлинмалари бош пудратчи этиб тайинланди.

Лойиҳани амалга ошириш доирасида унинг барча иштирокчилари 2022 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (божхона йиғимлари бундан мустасно), товарлар, ишлар (хизматлар) учун ҚҚС, айрим мажбурий ажратмалар ва йиғимлардан озод қилинади.

Бундан ташқари, лойиҳани амалга ошириш жараёнида «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, унинг таркибий бўлинмалари ва лойиҳа иштирокчилари ўртасида текинга бериладиган мол-мулк ҚҚС, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, шунингдек ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи солинадиган объект ҳисобланмайди.

Ҳаммаси йўловчилар учун

Хужжатда шаҳар йўловчи транспортини такомиллаштириш режалаштирилган.

Айланма темир йўлни лойиҳалаш ва қуриш масалалари бўйича махсус ташкил этилган Ишчи гуруҳига

Тошкент шаҳрида йўловчи транспорти тизимини истиқболда ривожлантириш концепцияси лойиҳасини келгуси йилнинг бошланишига Вазирлар Маҳкамасига йўритиш вазифаси топширилди.

Унда қуйидагилар назарда тутилиши лозим:

➤ пойтахтни Тошкент вилоятининг айрим шаҳарлари билан боғловчи мунтазам қатнайдиган маршрутларни йўлга қўйиш;

➤ йўловчилар учун янада қулай шароитлар яратиш;

➤ икки йўлли айланма темир йўл бекатларини Тошкент метрополитени линиялари, автомобиль ҳалқа йўли атрофида шаҳар ташқарисига қатнайдиган ва шаҳардаги автобус маршрутлари учун охириги бекатлар ва автостанциялар билан боғлаш ҳамда ана шу асосда уларнинг ҳаракат чизмасини мақбуллаштиришни таъминлаш.

Олег Заманов,
«Norma Online» эксперти.

Бировнинг транспорти учун жавоб бермайди

1. Агар компания ходимлари иш жойидан узоқда яшасалар, уларга транспорт берилишини тартибга солиучи норматив ҳужжатлар мавжудми?

2. Иш берувчи компенсация тўлаши ва ходимларни ташиш харажатларининг қандайдир қисmini қоплаши, бунда ходимнинг ҳаёти учун жавобгарлиқни унинг ўз зиммасида қолдириши мумкинми?

Ж.Ш.

1 Ходимларни яшаш жойидан иш жойигача ва қайтариб олиб келиш учун транспорт билан таъминлаш иш берувчининг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади.

Бундай шарт, одатда, жамоа ёки меҳнат шартномасида белгиланади. Яъни иш берувчи ўз иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ходимларни транспорт воситаси билан таъминлашга ёки иш жойига ва ундан қайтиб келиш

лиши муносабати билан юзага келган транспорт харажатларини компенсациялашга ҳақли (МКнинг 37-моддаси 3-қисми).



Бунда ходимнинг жамоат транспортда иш жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган вақтда соғлиғига етказилган зарар учун иш берувчи жавобгар бўлмайди.

Жамолиддин Ваққосов,
«Norma Online» эксперти.

2 Ходимнинг иш берувчининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисиди ҳам меҳнатда майиб бўлиши, шунингдек иш берувчи томонидан ажратилган транспортда иш жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган вақтда шикастланиши натижасида етказилган зарар учун иш берувчи моддий жавобгар бўлади (МКнинг 189-моддаси 2-қисми).

Уларда қандай

Энди стандартга мос келади

Россияда пиёда фликерлари учун илк бор стандартлар жорий этилди. Уларда йўлдаги одам етарлича кўриниши учун зарур ёруғлик қайтариш коэффициентининг энг кичик миқдорлари белгиланган.

Янги ДСТда сутканинг қоронғу вақтида ёки етарлича кўриш имкони бўлмаган шароитда ёруғлик қайтарилиши ҳисобига йўлларда кўринишни таъминлаш учун пиёдалар ва бошқа йўл ҳаракати қатнашчилари фойдаланadиган ёруғлиқни қайтарувчи элементлар ва буюмларга талаблар белгиланган.

Қабул қилинган миллий стандарт осилчоқлар, боғичлар, қадама енглар, билакузуклар, значоклар, брелоклар, шевронлар ва бошқа шу сингари ёруғлиқни қайтарувчи буюмларга нисбатан татбиқ этилади. Шунингдек у катталар учун кийим-бош, бош кийимлар, пойабзал, чарм-галантерея буюмлари ва кийимга ёпиштириладиган, тикиладиган бошқа буюмларнинг ёруғлик қайтарувчи элементларига нисбатан амал қилади.

ДСТда йўлдаги одамни етарлича кўриш учун зарур ёруғлик қайтариш коэффициентининг энг кичик миқдорлари белгиланган. Шунингдек унда ёруғлик қайтарувчи элементларнинг турли таъсирларга, шу жумладан юқо-

ри ва қуйи ҳароратларга, ёгингарчиликларга бардошлилигига доир талаблар белгиланган.

Илгари йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳаси экспертлари тайёрловчилар таклиф этадиган ёруғлик қайтарувчи элементларнинг айрим турлари йўлдаги пиёда кўринишини таъминламаслигини қайд этар эдилар. Экспертларнинг фикрича, ёруғлик қайтариш элементларига доир миллий стандартларнинг жорий этилиши йўл ҳаракати қатнашчиларига таклиф этилаётган ассортимент орасидан мувофиқ келадиганини ажратишда ва йўлларда кераклича кўришни даражасини таъминловчи сифатлироқ маҳсулотни танлаб олишда ёрдам беради.

РФда пиёдалар сутканинг қоронғу вақтида шаҳар атрофидаги йўлларда ҳаракатланишда ёруғлик қайтарувчи элементларни 2015 йил 1 июлдан бошлаб мажбурий тартибда қўллаб бошлаганлар.

Интернет тармоғи материалларидан.

Агар ходим шуни хоҳласа

Иш бериучи 3 ёшга тўлмаган боласи бор ходима билан тарафларнинг келишувига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкинми?

Андрей, КБ мутахассиси.

– Мумкин. Ҳомиладор аёллар ва 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш бериувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди. Бироқ у корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳолларига татбиқ этилмайди, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жой-

лаштириш шарти билан бекор қилинади. Мазкур аёлларни ишга жойлаштиришни маҳаллий меҳнат органи уларни ишга жойлаштириш даврида қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли ижтимоий тўловлар билан таъминлаш ҳолда амалга оширади (МКнинг 237-моддаси).

Шу тариқа, кўриб чиқилаётган вазиятда тақим амал қилмайди, сабаби меҳнат шартномасини бекор қилиш иш бериувчининг ташаббуси билан эмас, балки тарафларнинг келишувига кўра юз бермоқда (МКнинг 97-моддаси 1-банди). Шу сабабли мазкур асосга кўра 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёл билан меҳнат муносабатларини тугатиш мумкин.

Реклама

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таълимаржон кў., 1/Б. Тел.: (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Сменали иш: нимадан бошлаш лозим

Ишлаб чиқариш фирмаси айрим ходимларни сменали иш графигига, яъни икки сутка ўтказиб бир сутка ишлаш тартибига ўтказмоқчи. Қолган ходимлар ҳафтасига 5 кун ишлайдилар.

1. Сменали иш графигига ўтишни қандай қилиб ҳужжатли расмийлаштириш мумкин?

2. Табелда ишланган соатларни (кунларни) қандай қайд этиш керак?

Ю.Дроздова.

– Сменали иш – алоҳида иш режими. Шу сабабли меҳнат шартларини ўзгартирган ҳолда бундай режимида ўтиш МКнинг 88, 89-моддаларида назарда тутилган тартибда расмийлаштирилган бўлиши керак.

Иш бериувчи ускунадан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини ошириш мақсадида 2, 3 ёки 4 сменали иш режимини ташкил этиб, ходимнинг розилигисиз меҳнат шартларини ўзгартиришга ҳақли.

Сменали ишнинг асосий тавсифлари МКнинг 114, 120, 127 ва 128-моддаларида келтирилган.

Сменали иш режими ишлаб чиқариш жараёнининг сутка давомида узлуksиз давом этишини назарда тутати (бир-бирининг ўрнига келувчи ходимлар гуруҳи ишни бажаради). Агар сутка давомида, бироқ турли вақтда ходимларнинг фақат бир гуруҳи иш бажарса, бундай режим сменали ҳисобланмайди.

да сменалар барча ходимлар учун 1 соатга қисқартирилади (МКнинг 121, 131-моддалари);

➤ тунги вақтдаги смена муддати 1 соатга қисқартирилади (МКнинг 122-моддаси);

➤ ходимни сурункасига 2 смена давомида ишга жалб этиш тақиқланади (МКнинг 120-моддаси);

➤ ишнинг тугаши билан кейинги кун (сменада) иш бошланиши ўртасидаги кундалик дам олиш вақтининг муддати 12 соатдан кам бўлиши мумкин эмас (МКнинг 128-моддаси).

Сменали ишда ходимларнинг ҳар бир гуруҳи сменали иш графигига мувофиқ белгиланган иш вақти муддати давомида ишлаши керак.

Сменали ишда иш бериувчи ходимларга қуйидаги қўшимча тўловларни тўлайди:

тунги вақтда (соат 22.00 дан 6.00

гача) ишлаганлиги учун. Ишнинг ҳар бир соати учун камида бир ярим баравар миқдорда ҳақ тўланади (МКнинг 122, 158-моддалари);

иш вақтидан ташқари (ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатидан ортиқча) иш учун – камида икки ҳисса миқдорида (МКнинг 157-моддаси);

дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун – камида икки ҳисса миқдорида (МКнинг 157-моддаси).

Агар иш графигига мувофиқ смена шанба ёки якшанбага тўғри келиб қолса, бу кун оддий иш кунли ҳисобланади. Бинобарин, унинг учун бир ҳисса миқдорида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилади.

4. Ходим билан тузилган меҳнат шартномасига иш режими ўзгариши тўғрисида ўзгартиришлар киритилди (қўшимча келишув расмийлаштирилади) (МКнинг 73, 115-моддалари).

Сменали иш режимига ўтаётганда маъмуриятнинг хатти-ҳаракатлари

1. Сменали иш режими жорий этилиши тўғрисида буйруқ чиқарилади. Унда сменали режим белгиланган лавозимлар, сменали иш муддатлари ва жорий этиш таъмили кўрсатилади. Агар ташкилотда сменали иш илк бор жорий этилаётган бўлса, у жорий этилишидан камида 2 ой олдин буйруқ чиқарилади.

Барча ходимлар сменали режимда ишлашга розилик билдирган ҳолда меҳнат шартномаларига қўшимча келишувлар расмийлаштирилгани заҳоти улар учун жорий этилиши мумкин.

2. Шартлар ички меҳнат тартиби қоидаларида мустаҳкамлаб қўйилди, унда қуйидагилар кўрсатилади:

➤ бундай режим белгиланган ходимларнинг тоифалари;

➤ суткадаги сменалар сони;

➤ иш ҳафтаси муддати;

➤ кундалик, шу жумладан тўлиқ бўлмаган смена муддати;

➤ ҳар бир сменада ишнинг бошланиш ва якунланиш вақти;

➤ ишдаги танаффуслар вақти;

➤ ишланадиган ва ишланмайдиган кунларнинг кетма-кетлиги;

➤ ходимларнинг бир сменадан бошқасидаги ишга ўтиш тартиби;

➤ сменачи келмаганда ходимнинг хатти-ҳаракатлари;

➤ жамланган иш вақтини жорий этиш тартиби (бундай ҳисоб жорий этилган ҳолда).

3. Сменали иш графиги тузилади. Бунда қуйидаги қоидаларни ҳисобга олиш зарур:

➤ смена муддати белгиланган норма – 12 соатдан ошмаслиги лозим (МКнинг 123-моддаси);

➤ кундалик иш муддати – байрам (ишланмайдиган) кунлари арафаси-

Иш вақти ҳисоби

Иш бериувчи ҳар бир ходимнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақтини, шу жумладан иш вақтидан ташқари ишлаган вақтини ўз вақтида аниқ ҳисобга олиб бориши шарт (МКнинг 125-моддаси).

Иш вақтини ҳисобга олиш табели бундай ҳисобни тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

Иш вақтини ҳисоблаб чиқаришда ходим ҳақиқатда ишлаган кунларгина инобатга олинади.

Иш вақти ҳисобини бузганлик учун айбдор мансабдор шахслар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси томонидан маъмурий жавобгарликка тортилади.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маънавий техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент давлат техника университети қошидаги «Тармоқ машинашунослиги муаммола-

ри» илмий-тадқиқот маркази фаолияти тўхтатилиши муносабати билан барча масала ва эътирозлар бир ой муддатгача қабул қилинишини маълум қилади.

Манзил: Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Академшаҳарча, Дўрмон йўли 31-йўл. Тел.: 262-72-97, факс: 262-71-52.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти фаолияти тўхтатилиши муносабати билан барча масала ва эътирозлар бир ой муддатгача қабул қилинишини маълум қилади.

Манзил: Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Академшаҳарча, Дўрмон йўли 31-йўл. Тел.: 262-72-97, факс: 262-71-52.

Меъёрий лойиҳалар

Меҳнат стажи онлайн режимда ҳисобга олинади

ҚХТБТ порталида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадалларининг тўлови тўғрисидаги маълумотларга асосан фуқароларнинг меҳнат стажларини ҳисобга олишни такомиллаштириш чора-тадбирлари назарда тутилган ВМК лойиҳасининг муҳокамаси якунланди.

Маълумот учун: Президентнинг 24.05.2017 йилдаги ПФ-5052-сон Фармонида мувофиқ 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб биринчи марта ишга жойлаштирилган ходимларга қозғош шаклидаги меҳнат дафтарчалари берилиши тўхтатилади. Иш берувчилар ва давлат органлари «Электрон меҳнат дафтари» тизимида меҳнат стажи ва давлат ижтимоий сугуртасига бадаллар тўлаш даврларини электрон шаклда ҳисобга олишга босқичма-босқич ўтадилар.

Ўз навбатида, мазкур лойиҳада кўрсатиб ўтилган механизмни янада батафсил ҳуқуқий регламентлаш таклиф этилмоқда.

Лойиҳа бўйича қуйидагилар жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини электрон ҳисобга олишга ўтадилар:

➤ яқка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжалиги аъзолари, йирик қoramол ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланадиган шахслар, шунингдек юридик шахсни ташкил этмаган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар – 2018 йилнинг 1 январидан;

➤ бошқа хўжалик юритувчи субъектлар – 2019 йилнинг 1 январидан.

Шу билан бирга кафолатли сақланиши таъминланган меҳнат стажига оид архив маълумотларини захирада сақлаш механизмни ишлаб чиқиш лозим.

Махсус стажга эга бўлишни талаб қиладиган айрим касб турлари (масалан, судьялар, адвокатлар, нотариуслар ва бошқалар) бўйича ишга жойлаштириш, шунингдек рухсат берувчи ҳужжатларни (лицензияларни) бериш борасида номзоднинг иш тажрибасини аввалги иш жойидан олинган маълумотномалар билан тасдиқлаш таклиф этилмоқда.

Электрон ҳисобга олиш тизими доирасида ҳар бир ходим бўйича меҳнат стажига оид маълумотлар (мансаб лавозими, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврлари, таътилда бўлган даврлар ва асосли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлар) иш берувчи томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ЯИТ ва фуқароларнинг сугурта бадаллари бўйича солиқ ҳисоботи таркибига тақдим этилади.

Лойиҳанинг режалаштирилаётган кучга кириш муддати – 2017 йил 15 июнь, бироқ муҳокама натижаларига кўра унга ўзгартириш, қўшимчалар киритилиши ёки у рад этилиши мумкин.

Олег Заманов, «Norma Online» эксперти.

МКнинг 146-моддасига мувофиқ, ходимнинг хоҳишига кўра унинг ёзма аризаси асосида таътилни қисмларга бўлишга йўл қўйиладу. Бунда таътилни бир қисми 12 иш кунидан кам бўлмаслиги лозим.

Ходимнинг розилигига кўра меҳнат таътилининг узлуқсиз қисмини қисмларга бўлиш мумкинми?

К.И.

Қонунга кўра бўлинмайди

— Агар хат муаллифи «меҳнат таътилининг узлуқсиз қисми» деганда унинг камида 12 иш кунини ташкил этиши керак бўлган қисмини (МКнинг 146-моддаси) назарда тутатган бўлса, бу ҳолда у, **ходим розилик берган-бермаганлигидан қатъи назар, қисмларга бўлинмайди.**

Ходимларнинг ҳақ тўланадиган дам олиш (меҳнат таътили) ҳуқуқи дахлсиздир, Конституция (38-модда) билан кафолатланади ва ҳар йили, шу таътил берилаётган иш

йили тугагунга қадар берилиши шарт.

Ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда, ходимнинг розилиги билан таътилни 12 иш кунидан ортиқ бўлган қисми кейинги иш йилига қўчирилиши мумкин, шу йили ундан албатта фойдаланилмоғи лозим (МКнинг 143-моддаси).

Меҳнат таътилида бўлган ходимни ишга жалб этиш зарурати

Қачон таътил ўрнига компенсация олиш мумкин

2 йил учун фойдаланилмаган меҳнат таътилини олаётган ходимга унинг энг кам муддатидан ортиқ кунлар учун компенсация бериш мумкинми?

М.Ҳакимова, кадрлар бўйича инспектор.

— Одатда меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллари учун ходимга пуллик компенсация тўланади.

Бироқ **ходимларга иш даврида уларнинг хоҳишига кўра МКнинг**

134-моддасида белгиланган **энг кам муддатидан (15 иш кун) ортиқча фойдаланилмаган йиллик таътил учун пуллик компенсация тўланиши мумкин.**

Ижтимоий таътиллarning барча турлари, шунингдек МКнинг


2014 йил май ойида тайинланган директор бугунги кунгача меҳнат таътилида бўлмаган. Утган йилларни ҳисобга олган ҳолда унга таътиллари қандай қилиб бериш мумкин?

И.Сорокина, бош бухгалтер.

— Одатда, таътил ҳар йили, шу таътил берилаётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим (МКнинг 143-моддаси 5-қисми). Таътил бермаслик меҳнат қонунчилигини бузиш ҳисобланади. Бироқ амалиётда ходимларда кўпинча турли сабабларга кўра ўтган йиллар учун фойдаланилмаган меҳнат таътиллари тўпланиб қолади.

Агар мулкдор (иш берувчи) қонунни бузган ҳолда ходимга бир неча йил давомида таътил бермаган бўлса, ходим унга бўлган ҳуқуқни йўқотмайди, сабаби меҳнат қонунчилигида таътил-

ларни беришни талаб қилишга доир даъво муддати белгиланмаган. Шу муносабат билан иш берувчида ходимга фойдаланилмаган барча меҳнат таътиллари бериш ёки улар учун компенсацияни тўлаш



Абдусалом Рисқуллаев, «Norma Online» етакчи эксперти.

Экспертга савол

юзага келганда фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйиладиган ҳақиқат олиш механизмни қўллаш мумкин. Шу муносабат билан таътилни фойдаланилмай қолган қисми ходимга мазкур иш йили давомида бошқа вақтда берилиши ёки кейинги иш йилининг таътилига қўшиб қўйилиши керак (МКнинг 147-моддаси).

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, 18 ёшга тўлмаган ходимларга йиллик таътиллари бермаслик тақиқланади, шунингдек меҳнат шaroити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишлар учун йиллик қўшимча таътиллardan жорий йил давомида албатта фойдаланиш шарт (МКнинг 137, 143, 147-моддалари).

Маҳкам Воҳидов, юридик фанлар номзоди, «Norma Online» эксперти.

137-«Меҳнат шaroити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишлар учун бериладиган йиллик қўшимча таътил» ҳамда 138-«Оғир ва ноқулай табиий-иқлим шaroитларидаги иш учун йиллик қўшимча таътил» моддаларида назарда тутилган қўшимча таътиллardan натура ҳолида фойдаланилади, улар ўрнига пуллик компенсация беришга йўл қўйилмайди.

Шу тариқа, **ходимга хоҳишига кўра ҳар бир иш йили учун энг кам муддатидан (15 иш кунидан) ортиқча бир неча йил фойдаланилмаган таътил учун пуллик компенсация тўланиши мумкин.**

мажбурияти сақланади (МКнинг 275-моддаси).

Ўтган иш даврлари учун йиллик таътиллари навбатдаги календарь йил учун таътиллари жадвали доирасида ёхуд ходим билан иш берувчи ўртасида келишувга кўра берилиши мумкин. Агар бу жадвалда ҳисобга олинмаган бўлса, ходим раҳбариятни ўтган йил учун берилиши лозим бўлган таътил бошланишидан камида 15 кун олдин ёзма равишда хабардор қилиши керак (МКнинг 144-моддаси).

Текширув пайтида бундай ҳолатлар аниқланганда иш берувчи меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун МЖТКнинг 49-моддасига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия Саидмуратовна РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўзғош бичими – А3. Ҳажми – 4 босма таъки. Баҳоли қилинган нархда.
Буюртма 1005. Адади 1 150. Газета 2017 йил 12 июнь соат 18.00 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;

«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.